141094

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 29 сентябрь, пайшанба № 148 (21.752). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: Президент Ислом Каримов ЕХҲК Бош котиби Вильгельм Хойнк ва юқори лавозимли шахслар қўмитасининг ижрочи раиси Пауло Брунини қабул қилди.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

28 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Бош котиби Вильгельм Хойнк ва юқори лавозимли шахслар қўмитасининг ижрочи раиси Пауло Брунини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни халқаро анжуман ўз ишини бошлагани билан қутлаб, унинг ишига муваффақият тилади.

— Ўзбекистон Осиё қитъасида жойлашганига қарамасдан, ЕХҲКга аъзо бўлганимиз сабаблари бор, — деди Ислом Каримов. — Дунёда тинчлик барқарор бўлиши, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун катта ишларни амалга ошираётган ЕХҲК фаолияти бизнинг эзгу истак ва хоҳишларимиз билан муштаракдир. Шунинг учун ҳам биз 1992 йилда бу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кирдик.

Вильгельм Хойнк ва Пауло Бруни самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ЕХҲК билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида Ўзбекистонда қилинаётган ишларни юқори баҳолади. Тошкентда ўтаётган халқаро семинар бу алоқаларнинг янги поғонага кўтарилишига яқиндан ёрдам беради, деб умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Сафоев иштирок этди.

* * *

28 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашидаги делегацияси раҳбари Самуэль Браунни қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида АҚШ делегациясининг ЕХҲК семинарида иштироки алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Турли қитъаларда бўлсак-да, — деди Ислом Каримов, — ўзаро ҳамжиҳатлик йўлида улкан ишларни амалга ошираётган ЕХҲК билан ҳамкорлигимиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Самуэль Браун самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ЕХҲКнинг мазкур семинари муваффақиятли ўтаётганини таъкидлади. Бу анжуман кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Сафоев ҳамда бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ҚЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТДА ЎТАЁТГАН СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ТАБРИГИ

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Тошкентда ўтаётган семинари қатнашчиларини самимий қутлайман ҳамда бу анжуман снёсий ҳаётда муҳим воқеа бўлади ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши иштирокчилари бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Мазкур семинарнинг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши республикамизнинг бундан буён ҳам жаҳон ҳамжамиятига жипслаша бориш истагининг, эркин бозор иқтисодиётига суянган, тинчликсевар ташқи снёсатни амалга оширадиган демократик, дунёвий жамият қуриш йўлидаги снёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганининг яна бир яққол далилидир. Биз бу вазифаларнинг мураккаблигини яхши англаймиз. Бошқа мамлакатлар халқлари юз йилликлар давомида босиб ўтган йўлни Ўзбекистон халқи тарихан жуда қисқа вақт ичида босиб ўтиши керак. Бинобарин, халқимиз бу борада ўз йўлини танлашга, ижтимоий тузилишнинг мамлакат тарихи, маданияти, шуурига мос келадиган ўз тажрибасини юзага чиқаришга ҳақлидир.

Биз мустақилликка эришилганидан бери ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида эришилган энг муҳим ютуқлардан бири — миллатлар ва эътиқодлар ўртасидаги тотувликнинг таъминланиши, деб биламиз. Бу — мамлакат ичкарисидаги тинчлик ва барқарорликнинг асосидир.

Семинар қатнашчилари ўзбек тупроғида бўлган пайтларида бу ўлка бунёдкорлик меҳнати билан банд, фарзандларининг хавфсизлиги ва уларнинг келажагидан кўнгли тўқ, бир-бирига дўст, меҳрибон инсонлар диёри эканига амин бўладилар, деб умид қиламан.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Марказий Осиё давлатларидаги анжуманларини якунловчи Тошкент семинари давлатларнинг нуқтаи назар ва позициялари бундан буён янада яқинлашувига хизмат қилишига, олдимизда турган муаммоларни ҳал этишдаги интилишларимиз умумий эканини намойиш қилишига ишончим комил.

Чин қалбимдан семинар иштирокчиларига ишларида самара ҳамда олижаноб ниятларини рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 сентябрь.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг (ЕХҲК) умумий масалаларга бағишланган халқаро анжумани бошланиши олдидан 28 сентябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, ЕХҲКнинг Бош котиби Вильгельм Хойнк мазкур халқаро анжуманнинг аҳамияти хусусида гапириб берди.

— Мен Ўзбекистонга яна келганимдан беҳад хурсандман, — деди В. Хойнк. — Бундан етти ой муқаддам биринчи марта бу ерда бўлган эдим. Аввало, анжуман қатнашчиларига яратилган шарт-шароит учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирмоқчиман. Сизга маълумки, бу анжуман февраль ойидан буён Марказий Осиё республикалари пойтахтларида ўтаётган семинарларнинг якунловчиси бўлади. Бишкек, Алмати, Ашгабат шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлар яхши самара берди. Энди эса биз бу туркум семинарларни якунлаб, бўлажак учрашувларимиз режасини тузамиз. Анжуманда ЕХҲК фаолиятининг барча қирраларига оид масалалар кўриб чиқилади. Хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий муаммолар, атроф муҳит муҳофазаси, инсон омили сингари масалалар шулар жумласидандир. Назаримда, энг муҳим мавзу — бу ЕХҲКнинг Марказий Осиё республикаларидаги ижобий ўзгаришларга кўмагидир. Бундай ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Яқин кунларда Будапешт шаҳрида ЕХҲКнинг конференцияси ҳамда унга аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлади. Ушбу семинар ана шу учрашувга тайёргарликнинг муҳим босқичларидан биридир.

Юқори лавозимли шахслар қўмитасининг ижрочи раиси Пауло Бруни ЕХҲКнинг кенг миқёсли фаолияти, Марказий Осиёдаги давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар, Будапештдаги анжуманга тайёргарлик борасида гапирди.

Шундан сўнг В. Хойнк журналистларнинг саволларига жавоб берди.

* * *

Шу куни анжуманнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Уни ташқи ишлар вазири А. Комилов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг семинар қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Анжуманда 30 га яқин мамлакатдан келган 70 га яқин вакил, кўпгина халқаро ташкилотлар, ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилотлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари иштирок этмоқда. Бу қизиқиш албатта бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. У жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаяпти.

Семинарнинг биринчи йиғилишида ЕХҲК Бош котиби Вильгельм Хойнкнинг «Янгиланган ЕХҲК ва унинг барқарорликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси: имкониятлар ва муаммолар», Стокгольм илмий-тадқиқот институти директори Адам Д. Ротфельднинг «ЕХҲКнинг тадрижий ривожи: анъаналар ва ўзгаришлар», Ўзбекистон

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, ёш авлодга таълим бериш, уларни ватанпарварлик, дўстлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, педагог мутахассислар тайёрлашда ватан олдидаги фидокорона хизматлари, жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун ҳамда республика халқ таълими ходимлари куни муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ

Мислибоев Узоқбой — Пайариқ туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ

Абдуллажонов Сайдулла — Самарқанд шаҳридаги 6-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси;

Абдуллаев Рустамбой — Хива шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Абселямова Сабрия Абляитовна — Наманган шаҳридаги 5-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси;

Аллабердиев Раҳмон — Тайлоқ туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Асқарова Мазлума — Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти кафедра мудири;

Аҳлиддинов Рустам Шеренович — Давлат таълими стандартлари бўйича республика инспекцияси бошлиғи;

Болтабоева Бозоргул Алламбергеновна — Қўнғирот туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Бойтемиров Асадулла Ҳайитбоевич — Зарбдор туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти;

Жўраева Зибо — Сирдарё туманидаги «Лола» болалар боғчаси мудири, Сирдарё вилояти;

Иброҳимова Ольга — республика ўқувчилар саройи директори, Тошкент шаҳри;

Қурбонова Шарифа — Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази тўгарак раҳбари;

Мадумаров Шавкат Расулович — Зангиота туманидаги 15-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти;

Мироқова Ҳидоят Гадоевна — Бухоро шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси;

Мустафоева Айнигул Нуратдиновна — Чимбой шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Муҳаммаднева Санобар Айбековна — Қўқон шаҳридаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

Нарзиева Норбиби — Денов туманидаги 46-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Норматов Ҳайдарқул — Боёвут туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти;

Нурматов Жаббор Очилович — Қамаши туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти;

Омонов Боборaҳим — Навбаҳор туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти;

Сандов Мадамин — Асака туманидаги 36-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти;

Тожиддинов Срожиддин — Шаҳрисабз шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти;

Турсунов Нек — Ғиждувон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти;

Турсунов Эгамбой — Шаҳрихон шаҳридаги 2-лицей директори, Андижон вилояти;

Усмонов Тоҳир — Бойсун туманидаги 2-ўрта мактаб директори, Сурхондарё вилояти;

Файзиев Равшан — Зомин туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти;

Ҳабибова Муҳаббат Ҳакимжоновна — Бухоро педагогика билим юрти ўқитувчиси;

Ҳакимов Қосимжон — Чортоқ шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти;

Холбоева Марҳамат Неъматовна — Олмалиқ шаҳридаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Худойберганова Саломат Болтаевна — Янгиариқ туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Шарипова Мели — Шайхонтоҳур туманидаги 59-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри;

Шоназарова Роҳат Чориевна — Қизилтепа туманидаги 8-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси, Навоий вилояти;

Шукуралиева Дилбархон Бердиевна — Қирғули туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» УНВОНИ

Антжанова Айнихон — Шуманай туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Акбаров Озод — Тошкент шаҳар қурилиш лицейи директори;

Асадуллаев Тўра — Касби туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти;

Исоқжонов Муҳаммаджон Салимович — Янгиқўрғон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти;

Қаюмов Раҳим — Қибрай туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Қаюмова Мавлуда Абдусатторовна — Оқолтин туманидаги «Оқолтин» номли иқтидорли ўқувчилар мактаби ўқитувчиси, Сирдарё вилояти;

Маманазаров Ҳусан — Хатирчи туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти;

Матёқубова София Урунова — Шеробод туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Мусаев Ҳамид — Пастдарғом туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Ражабов Сабур — Ҳазорасп туманидаги 1-иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Турсунов Маҳаммадали — Қўрғонтепа туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти;

Усмонов Қаҳрамон — Жондор туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти;

Фозилова Олтиной — Жиззах туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти;

Эргашев Эркинжон — Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Фарғона вилояти.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ» УНВОНИ

Абдураимов Тойиржон — Қува шаҳридаги 3-мактаб директори, Фарғона вилояти;

Абдураҳмонов Йўлчибой — Чуст туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти;

Азимова Санобархон — Норин туманидаги 10-болалар боғчаси мудири, Наманган вилояти;

Аметова Раушан Аметовна — Нукус шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Аюпов Мирғиёс Арупович — Андижон вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти методисти;

Бисенова Мейрамгул — Конимех туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти;

Бозоров Эргаш — Иштихон туманидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жамият турмушида ва ёш авлодни тарбиялашда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тутган ўрнига алоҳида аҳамият бериб, шунингдек, педагог ходимларнинг муқим ўрнашиб қолишлари учун зарур шароитларни яратиш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича малака даражасини ошириш ҳамда қўшимча ҳақ ва устамалар тизимини тартибга солиш ҳисобидан ўртача 20 фоиз оширилсин.

2. Иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим ходимларининг иш ҳақига қўшимча ва устамаларни тартибга солиш масалаларига оид қарор қабул қилсин.

4. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 сентябрь.

• «ҲОСИЛ—94»

КАТТА ЮРТНИНГ КИЧИК КАРВОНИ

Сунбуланинг охирлари эди. Қашқадарёга бордим. Ҳали Жанубда қуёшнинг олов тафти пасаймаган, лекин тоғли Китобда кузнинг салқин нафаси сезиларди. Сўнгсиз далалардан сўнгги донлар йиғиштириб бўлинган. Энди эса китобликлар яна бир катта синов — пахта мавсумига тайёргарлик кўришаётган эди. Тўғри, туман асосан боғдорчиликка ихтисослашган бўлса-да, лекин авваллари бу ердаям пахтачилик етакчи ўринни эгаллаган. Кейинчалик ҳукуматимизнинг, қолаверса шахсан Президентимизнинг кўрсатмалари асосида мамлакатимизда кўпгина тоғли ҳудудларда пахта экиш кескин қисқартирилди. Шу жумладан Китобда ҳам бу соҳада анча ўзгаришлар бўлди.

Шундай бўлса-да, бу йил ҳам туманда пахтадан мўл ҳосил кўтарилди. Кўпни кўрган тажрибали пахтакорлар ёзда мақтанишмади. Кузни кутишди. Куз эса...

Китобга ўз саҳий дастурхонини очди. Кеча... туман пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Бу хабарни эшитиб у ёққа сим қоқиб ҳамюртларни қутладим. Туманнинг сергайрат ҳокими Озод Пармонов ҳаяжон ила «мени эмас, мана шу илғорларнинг номларини газетада мақтанг», деди-да, қуйидаги рўйхатни айтди: «Зарафшон» жамоа ширкат хўжалигидан Зулфия Ҳусанова, Холмамат Эшмирзаев, Шодмон Умаров номидаги жамоа ширкат хўжалигидан Неъмат Худойқулов, «Навбаҳор» жамоа ширкат хўжалигидан Суюн Мустафоев, Муродилла Отақулов, Каромат Рустамова номидаги хўжаликдан Неъматжон Қиличев бошчилигидаги бригада ва ширкатларнинг ҳалол меҳнати туфайли режани бажардик».

Сўнг яна қўшиб қўйди: «Келаси йил пахтадан воз кечамиз. Нега десангиз бу ёғи халқимизнинг ризқ-насибаси бўлмиш дон-дунни кўпроқ етиштирмоқ муҳимлигини англадик. Ҳозирнинг ўзидаёқ пахтадан бўшаган майдонларга кузги ғалла экяпмиз. Мўлжалимиз — 8 минг гектар суғориладиган ерга дон сепиш...».

Ўзбекистон катта мамлакат. Энди ҳар куни унинг турли бурчакларидан кузнинг қувончли хабарлари келаверади. Бу йилги кузакнинг қадами қутлуғ келаётганини олис Китобдан эшитдингиз. Бошқа таърифга ҳожат йўқ.

Яна не дейин? Кўнглим тоғдай кўтарилган шу лаҳзада элдошларимни ёҳуд қўлларимда чаноқ излари қолиб кетган Саройнинг кенг пахта пайкаллари кўз олдимдан бир-бир ўтаётир. Уларни қандай қутлайин? Яхшиси, дилбар шоиримиз Абдулла Орифдан ўтказиб сўз айтмоқ мушкул экан:

Ҳисор тоғларининг нақ этагида,
Макон бор хушҳаво, сарбаланд,
юксак.
Ажиб бир осмон бу, осмон тагида
Юлдузлар қўл чўзсанг шундоқ
етгудак,
Она табиатнинг хуш санъати бу,
Инсон ва юлдузлар салтанати бу.

Норқобил ЖАЛИЛ.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	2.12	66.49	0.16	2.77
Хоразм	2.51	54.24	0.28	1.69
Навоий	2.65	53.71	1.08	9.56
Сурхондарё	2.17	48.70	1.35	16.69
Самарқанд	2.54	48.41	1.08	14.06
Фарғона	2.80	46.24	0.86	4.74
Қашқадарё	3.61	44.67	3.42	24.10
Андижон	3.29	43.98	1.15	5.27
Наманган	3.02	30.93	1.49	6.72
Қорақалпоғистон Республикаси	2.02	23.20	0.58	2.57
Тошкент	2.84	20.61	2.12	8.66
Жиззах	2.60	20.45	2.26	10.82
Сирдарё	1.65	11.37	1.16	2.65
Ўзбекистон Республикаси бўйича	2.61	39.31	1.45	9.09

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Гадойбоев Шораҳим — республика ўқув-методика маркази етакчи методисти;

Ғаниева Турсуной Дадабоевна — Қорасув шаҳридаги қишлоқ хўжалик лицейи директори, Андижон вилояти;

Ғуломова Назира Усмонбековна — Қибрай туманидаги 25-лицей-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Едгоров Раҳмат — Шофиркон туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти;

Жўлиев Абдуғани Эргашевич — Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси;

Исломов Умир — Фориш туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти;

Лагазндзе Лилия Ивановна — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тил ўргатиш маркази раиси;

Михайлов Юрий Алексеевич — Мирзо Улуғбек туманидаги 211-ўрта мактаб ёшларни ҳарбий чақириққа қадар тайёрлаш бўйича раҳбари, Тошкент шаҳри;

Мираҳмедова Бибижон Шомамедовна — Урганч туманидаги енгил саноат лицейи директори, Хоразм вилояти;

Назирқулов Ҳамиджон — Избоскан туманидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти;

Ниёзметова Туйғун Расуловна — А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти кафедра мудири, Тошкент шаҳри;

Норматов Зоҳиджон Мирзамаҳсумович — Тўрақўрғон туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти;

Норматова Норой Норматовна — Термиз шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Орифий Шарофжон — Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими методисти, Қашқадарё вилояти;

Отабоев Қўзибой — Шовот туманидаги 1-лицей ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Охунжанов Эркинжон — Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси;

Очилов Муродулла — Қарши туманидаги 19-ўрта мактаб директори, Қашқадарё вилояти;

Очилов Нурилла — Жомбой туманидаги 27-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Пардаев Зайниддин — Қорақўл туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти;

Ражабов Рустам Холович — Узун туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Расулов Нажмиддин — Бухоро шаҳридаги 3-қурилиш ҳунар лицейи ишлаб-чиқариш таълими устаси;

Сантмуротова Фотима Саидоран қизи — Шайхонтоҳур туманидаги 157-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри;

Саноқулова Хосият — Булунғур туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Сатторов Зиёд — Ғаллаорол туманидаги 58-мактаб директори, Жиззах вилояти;

Сентниёзова Азиза Икромовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 55-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри;

Султонов Саъдулла — Тўрткўл туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Тошев Суяр Қиличевич — Қарши педагогика билим юрти директори, Қашқадарё вилояти;

Тоштемиров Ўринбой — Қўқон Давлат педагогика институти профессори, Фарғона вилояти;

Турсунов Йўлдошали — Данғара туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

Тўраева Мавлуда Нарзиевна — Гулистон туманидаги 9-ҳунар билим юрти ўқитувчиси, Сирдарё вилояти;

Тўрақулов Жўрақул — Музработ туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Тўйчиева Тўхта — Бўстонлиқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Умаров Хўжаназар — Чирокчи туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти;

Файзиева Гулнора Қаҳҳоровна — Навоий туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти;

Филиппенко Мария Леонтьевна — Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудири;

Флицлер Ирина Ивановна — Ангрен шаҳридаги 34-етим ва қаровсиз қолган болалар мактаб-интернати ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Хожиев Йўлдош — Хонқа туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Ҳамдамов Пўлат — Жиззах Давлат педагогика институти доценти;

Ҳасанова Муборак Азизовна — Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Шербоев Қосимжон — Тошлоқ туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

Шукурова Гулчеҳра — Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Эргашев Қурбонназар — Жарқўрғон туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Қаюмов Рашид — Тошкент шаҳар 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбиячиси;

Яструбиницкий Борис Аронович — Мирзо Улуғбек туманидаги технологик коллежнинг бош мудири, Тошкент шаҳри;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ

Абдуллаева Ҳафиза — Фарғона шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси;

Азимов Ҳайдар — Ғузор туманидаги А. Ҳайдаров номли лицей ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти;

Алибоева Назира Саитовна — Сирдарё туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти;

Асқаров Маҳаматдиёр Нуритдинович — 1-Тошкент индустриал педагогика техникуми ўқитувчиси;

Аҳмедова Маруфат — Оҳангарон шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Вахтель Владимир Иванович — Уйчи туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти;

Давронова Рўзигул — Косон туманидаги 4-«Дилором» болалар боғчаси тарбиячиси, Қашқадарё вилояти;

Жалолова Дилором Азимовна — Собир Раҳимов туманидаги 522-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри;

Жайлканов Бектурди Бозорбоевич — Беруний шаҳридаги педагогика билим юрти ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Жалилов Абдухалил — Балиқчи туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти;

Зиндинова Найле Кефильевна — Навоий шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси;

Зукирова Нуринисо — Паркент туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Исомиддинов Эргашали — Бешариқ туманидаги 4-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

Йўлдошев Хурсан — Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасининг бўлим бошлиғи;

Каримов Ибодулла — Беруний туманидаги 60-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Каттақулова Ўрол Ёрқуловна — Каттақўрғон шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Коптлеуов Аманбай Абдиевич — Хўжайли туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Косназаров Қутмамбет — Нукус Давлат педагогика институти кафедра мудири, Қорақалпоғистон Республикаси;

Қорабоев Ўсарбек — Хўжаобод туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти;

Қурбонова Моможон Жумабоевна — Урганч шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Ланина Татьяна Кирилловна — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлинма бошлиғи;

Мирзаев Абдуқодир — Ургут туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Мусаев Паёз — Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири;

Набиева Озод — Қўқон педагогика билим юрти ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

Поситов Облақул — Қўшработ туманидаги 82-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Раҳимов Муҳаммад — Тошкент шаҳридаги 2-ҳунартехника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси;

Раҳматова Моҳира Ҳикматовна — Бухоро туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти;

Сафаров Акабой Ўзбекович — Пахтакор туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти;

Сахно Любовь Юрьевна — Тахиатош шаҳридаги 9-болалар боғчаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Сотиволдиев Умматали — Бағдод туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

Султонов Абдулла — Ўрта Чирчиқ туманидаги лицей-интернатнинг ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Султонова Лутпи — Юқори Чирчиқ туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

Султонова Ўғилой — Ангор туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти;

Тожибоев Неъмат — Наманган туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти;

Ўринов Поён — Қарши шаҳридаги қурилиш лицейининг ишлаб-чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти;

Хайриева Ўрол — Нарпай туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

Халилова Муҳаббат Халиловна — Когон туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти;

Ҳамидова Нина Тошевна — Навоий Давлат педагогика институти кафедра мудири;

Худойназаров Эргаш — Боғот туманидаги 126-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси, Хоразм вилояти;

Юнусов Салоҳиддин Расулович — Олтинкўл туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 сентябрь.

• ХДП ҳаётидан

АСОСИЙ ИШЛАР ОЛДИНДА

Фурқат тумани қишлоқларида 78 та маҳалла, 23 минг хонадон бор. Бўлажак сайловларга тайёргарлик бошланган шу кунларда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари ана шу маҳалларда ва хонадонларнинг ҳар бирига кириб бориш, фуқаролар орасида ташвиқот ишлари олиб боришга тайёрми? Афсуски, туман партия ташкилотлари иши кузатилганда бу борада жиддий камчиликлар борлиги аён бўлди. Ташвиқот гуруҳлари етарли эмас. Бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилмаган. Партия фаоллари ҳаракатида ташаббускорлик, курашчанлик хусусиятлари етишмайди.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ижроия бюросининг вилоятдаги барча шаҳарлар ва туманлар ХДП кенгашлари котиблари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида нафақат Фурқат тумани, балки бошқа шаҳарлар ва туманлардаги партия ташкилотларининг шу соҳадаги бугунги ишлари жиддий таҳлил қилинди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов мамлакатимиз Олий Мажлиси ва вилоят, туман, шаҳар кенгашларига бўладиган сайловларда партия фаолларининг иштироки ҳар қачонгидан ҳам юксак бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Ижроия бюро «Ўзбекистон овози» газетасига 1995 йил учун обунанинг бориши жараёнини ҳам кўриб чиқди. Кўпгина шаҳар ва туман кенгашлари бу ишга жиддий киришганлар. Дастлабки обуна варақаларини тўлдириш бошланиб, жойлардаги почта хизмати билан чамбарчас алоқалар ўрнатилган. Бироқ асосий ишлар ҳали олдинда. Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши обунани ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган шаҳар ва туман кенгашлари учун партия бюджетидан минг сўм пул мукофоти ажратди. Шаҳар ва туман партия кенгашлари обуна мавсумида намунавий иш кўрсатган партия фаоллари ва кўнгилли обуна уюштирувчилар учун ўз пул мукофотларини таъсис этдилар. Обуна мавсуми фаолларига қимматбаҳо буюмлар ва Фахрий ёрлиқлар бериш ҳам кўзда тутилган.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «Обуна—95»

МУРОЖААТДАН ИЛҲОМЛАНИБ

Ҳар йилги анъанага мувофиқ бу йил ҳам Қарши шаҳар ҳокимлиги, УзХДП шаҳар кенгаши фуқароларни республика ва вилоят нашрларига обуна қилишдек муҳим оммавий-сиёсий тадбирни бошлаб юбордилар. Куни-кеча шаҳар ҳокимлиги ва партия кенгаши обуна юзасидан шаҳарнинг барча фуқароларига, корхона, маҳалла ва ташкилотларга мурожаат варақаларини тарқатди.

Мурожаатдан илҳомланган «Қаршииндустрия», «Санам» акционерлик жамияти корхоналари маъмурияти ишлаб чиқариш илғорларини «Ўзбекистон овози»га корхона ҳисобидан обуна қилиш ишига киришди.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Пахтачи ва Қўшработ туман кенгаши сессиялари бўлди. Уларда ташкилий масала кўрилди.

А. Қаландаров Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари этиб тайинлангани муносабати билан Пахтачи тумани ҳокими вазифасидан озод этилди. Туман ҳокими ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Чўли Норбўтаев Пахтачи тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Я. Халилов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Қўшработ тумани ҳокими вазифасидан озод этилди. Пайариқ туманидаги «Халқобод» ижара хўжалиги раиси бўлиб ишлаб келаётган Мансур Қўшбоев Қўшработ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияларда вилоят ҳокими П. Абдурахмонов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комиловнинг «Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲК фаолиятига концептуал ёндашуви» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

* * *

Анжуманнинг тушдан кейинги йиғилиши ЕХҲКнинг янги вазиятдаги фаолиятига бағишланди. Унда Венгрия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Ш. Мезарошнинг «ЕХҲК аҳамиятининг ортиб бориши: олий даражадаги Будапешт учрашуви», Туркия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Б. Тулуннинг «ЕХҲК ва ҳамкорлик асосидаги хавфсизлик тизими», Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А. Мардиевнинг «Ўзбекистон Конституцияси — Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг ва демократик ўзгаришларнинг кафолати», ЕХҲК юқори лавозимли шахслар қўмитаси раиси П. Брунининг «ЕХҲК: янги мақсадлар, тизимлар ва тадбирлар» мавзуидаги нутқлари тингланди. Нутқлар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

29 сентябрь куни анжуман ўз ишини давом эттиради. **(ЎзА).**

АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН ҒОЯ

Яқинда қардош Қозоғистоннинг Тулкибос туманида сохта инқилоб йилларидаёқ Туркистон республикаларини бирлаштириб, озод ва кучли оға-инилар давлатини ташкил қилиш ишларига киришиб, сўнгра «Халқ душмани» тамғаси босилиб отиб юборилган фидойи шахс Турор Рисқулов хотирасига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Бу йиғинга беш қардош республикадан делегациялар, бир қанча давлатлардан тарихчи олимлар ҳам ташриф буюрди.

Йигирманчи йилларда Москва томонидан ишланган ҳийлага мувофиқ Т. Рисқуловнинг Туркистон заминида қолиши марказ учун хавфли деб тан олиниб, ўгай «бобомиз» Ленин томонидан аввал у мамлакат Марказий ижроия қўмитасининг раҳбар лавозимларига тавсия қилиниб, сўнгра ватанидан янада узоқроқ ер — Мўғилистонга ишга юборилган эди. Улар шу йўл билан ўз мақсадларига эришдилар. Кўп ўтмай «халқлар отаси» Сталиннинг буйруғи билан Т. Рисқулов отиб ташланди. Қозоқ элининг оташқалб фарзанди Туркистон республикаларини бирлаштириш армони билан ёруғ дунёдан кўз юмди. Унинг хотирасига бағишланган маросимда қатнашган минглаб кишилар минтақадаги ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа миллат ҳамда элатлар дўстлиги абадий қолишини таъкидладилар. Бу манзарани кўрган ҳар бир киши қалбида бугунги мустақиллик кунлари нашидаси, биродарлик, ўз юрти, мамлакати билан фахрланиш ҳислари мавж урди.

Лекин худди шу кунлари Алмати шаҳрида киши кўнглида бутунлай нохуш ҳислар уйғотувчи ўзга бир учрашув бўлиб ўтди. Ҳозирги мустақиллик, тинч-тотувлик кунлари нашидасини қадрлаёлмайдиган, эски кунларни қўмсаган бир қанча қўрнамак кимсалар телбанамо ниятлар билан бу ерга йиғилди. Халқда «Яхшидан ёмон чиқди деб куюнма, ёмондан яхши чиқди деб суюнма» деган нақл бор. Собиқ Иттифоқ тузуми даврида сиёсат майдонидан шармандаларча қочган, лекин кейинчалик ўз нодонликларини тан олиб, бир нави ҳаёт кечириб келаётган «сиёсатдон»лар ўзга бир телбалик дардига мубтало бўлиб қолдилар.

Мушук ўз аҳлатини беркитиш учун уриниб ўлганидек, улар ҳам илгари қилиб қўйган ножоиз ишларини хаспўшлаб, энди доҳийликни қаҳоб қилмоқдалар. Яъни, Қозоғистон пойтахтида йиғилган собиқ Иттифоқнинг собиқ раҳбарлари «Яна СССРни тиклаймиз!» шиори билан чиқмоқдалар. Йиқилган курашга тўймайди деганларидек, улар яна мансаб ва раҳбарлик лаззатини истаб, бу йўлда миллионлаб кишилар ҳаётини, улкан минтақалар келажагини тарих жаллодининг қонли болтаси кундасига қўйишгача шай бўлиб турибдилар. Улар гўё бомба ушлаган телбадек ҳаракат қилишмоқда. Бу сўзлар асло муболаға эмас. Агар улар ўз ниятларига етишиш учун фаолиятлари доирасини кенгайтириб, маълум кучга эга бўлиб қолсалар, МДҲ давлатларидагина эмас, балки жаҳонда ҳам хавфли портлаш юз беришидек ҳолат юзага келиши муқаррар. Чунки ҳозир мустақилликка эришган ёш давлатлар ҳеч қачон ва ҳеч қандай неъматлар эвазига ҳам ўз озодликларини бой бериш, яна қайтадан «катта оға» қўлига айланишга сира ҳам рози бўлмайдилар. Натижада қалтис ҳолат вужудга келади.

Алматига телбанамо ният билан келган собиқ Иттифоқнинг собиқ бош вазири, ҳозир нафақахўр Николай Рижков бу учрашувда минбардан туриб «Давлатлар бирлашиши учун аввал марказга бўйсуниши керак!» деган шиорни олға суриш билан «Евроосиё иттифоқи муаммолари» хусусидаги конференциянинг асл моҳиятини фош этиб қўйди. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, собиқ Иттифоқ даврида сиёсатчилардан Россия Федерацияси давлат думасининг МДҲ давлатлари ишлари ва юртдошлар билан ишлаш қўмитаси раиси жаноб Константин Затулин, Россия компартиясининг раҳбари жаноб Геннадий Зюганов, «Горбачёв жамғармаси» вакиллари, миллатлар ўртасига нифоқ солиш билан овора «Независимая газета» редактори Виталий Третьяков ва бошқа ҳозирги кунлардаги «сиёсат юлдузлари» янги сиёсатларини ўтказиш учун йиғилдилар. Қулгили ери шундаки, ўз юртларида тинчлик ва осойишталикни ўрната олмай, ўз халқидан дашном эшитиб юрган Шеварднадзе каби сиёсатчи ҳам бу учрашувга ўз шунқорларини юборди. Бир нарса аниқ: ҳозир қандай бўлмасин бу шахслар чакаларига янада куч беришлари табиий. Чунки хом хаёллар амалга ошгудек бўлса, улар яна давлат тепасида, яна катта мансабда бўлиб қоладилар. Бу касаллик эса айниқса, ютқазганларда кучли хуруж қилиб туради. Улар халқ қўйнига илондек кириб олиш учун сиёсатда ман қилинган энг нопок йўллардан ҳам қайтмайдилар. Маълумки, келаси йили фашизм устидан эришилган Ғалабанинг эллик йиллиги нишонланади. Улар миллионлаб уруш қурбонлари руҳидан қўрқмай яна шу сана билан чайқовчилик қилишдан ҳам тап тортмай, айнан шу кунларда СССРни тиклаймиз деб айюҳаннос солмоқдалар. «Буюк мутафаккир» Михаил Горбачёвнинг машҳур сўзи билан айтганда, «буюк жараён бошланди». Ношудлар ўз атрофларига кўплаб лақмаларни йиға бошлади. Бунинг учун эса ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида кўп ақлу заковат талаб қилинмайди. Кимки Жириновскийдек ўнгу сўлга «Мен сизларга бахт улашаман, ҳозирги раҳбарлар сизларни қандай кунларга солиб қўйди» деб сайраса бўлгани. Содда ва оми одамлар бундай «серка» кетидан кетаверади. У эса одамларни қушхонага — қассобларнинг олдига олиб бораверади.

Бир савол туғилади: нима учун Алмати учрашувларига сиёсат майдонидан қочганлар, эндиликда хотиралар ёзиш билан кун ўтказаётган нафақахўрлар йиғилди? Жавоб ҳам тайёр: агарда бу ғоя давлатлар учун зарур бўлганида учрашувда жамоат ташкилотларининг вакиллари, «Қизил ташвиқотчилар», ишсиз қолганлар эмас, балки давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари қатнашган бўлар эди. Бу учрашув эса гўё тўполончи болаларнинг ўз ота-онаси назаридан четда қолиб бир оз шўхлик қилиб олаётганига ўхшайди. Шу сабабли бу йиғинга кўп ҳам аҳамият бериш керак эмас. Ҳаётнинг ўзи барча нарсани ўрнига қўйиб келяпти-ку, ахир.

Фақат шуни унутмаслик керакки, ҳозир ҳар бир мустақил давлатнинг ўз миллий мустақиллик куни бор. Уларнинг миллий конституцияси бор. Ўз қонуний сайланган парламентлари ва ўз қонуний сайланган, умумреферендум асосида тан олинган Президентлари бор. Шу сабабли конференцияга йиғилган бир ҳовуч «собиқ»лар давлатлар хоҳишини ифода эта олмайди!

Ҳар бир ишни файзли одамлар, халқ ишончини қозонган кишилар қилиши лозим. Лекин бу йиғинга тўпланган, илгариги давлатни жаҳаннамга қулатган бу одамларнинг номиёқ бошлаган ишларининг расволикка маҳкум эканини кўрсатиб турибди. Бу одамлар ўтмишда бизнинг юртимизга кириб келган босқинчиларнинг бир маккор ҳийласини эслатяпти. Ўшанда чор Россиясининг махфий агентлари, кўплаб жиноятчи унсурлари паранжи ёпиниб, Туркистон сарҳадларида кўплаб жиноий ишларни амалга оширган. Уларнинг бугунги сиёсатлари ҳам ўша паранжи сирларидек биз учун хавфлидир. Эҳтиёт бўлмасак, улар ҳали кўп ҳунар кўрсатиши мумкин.

Кўнгилдан бир ўй кечади. Горбачёв, Рижковлардек жаноблар бутун давлат уларнинг қўлида бўлган вақтда уни эплай олмаган, ишни халта қилган бўлсалар, энди хаёлларидаги давлатни қачон яратадилару унга қандай бошчилик қиладилар?! Шу сабабли уларнинг ва улар кабиларнинг бу учрашувда қатнашуви сиёсат эмас — масхарабозликнинг ўзгинаси-ку!

Ачинарли жойи шундаки, уларнинг бу сафарги йиғинига барчамиз учун яқин, биз билан қардош, дини, тили бир Қозоғистон раҳбарлари ҳам довдираб, аралашиб юрганликларидир. Бу ишлар Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтганига ишонгинг ҳам келмайди. Зеро, бу — улуғ ўтмишга эга бўлган мағрур халққа, бугунги кунда мустақилликка эришган Қозоғистонга ҳам қарши қилинган ҳаракатдир. Бу иш ўз тарихи, маданияти, анъаналари, тили ва ғуруруни тиклайман деяётган халқнинг юзига оёқ босиш эмасми? Акс ҳолда келажакда қозоқ халқининг тилини, тарихини, ғуруруни ким тиклайди? Бу унинг буюк бийлари, мард ўғлонлари арвоҳини безовта қилиш эмасми! Қилинаётган бу ишлар келажак авлодлар олдида хиёнатчи бўлиб қолиш хавфини туғдирмайдими?! Келажак бундай бебурдликни кечирармикан? Бу воқеаларнинг кўнгилга, айниқса, азоб берадиган жиҳати, бугун Қозоғистон пойтахтида давранинг тўрида айнан собиқ қизил империянинг собиқ раҳбарларини, улар билан юзма-юз ўтириб мулоқотда бўлган Қозоғистон раҳбарларининг бир қанчасини кўришдир! Туркистонлик биродарларимизнинг бундай иш тутиши кўнгилда ноҳушлик туғдиради. Ўйлаймизки, бундай йўлга бурилишга қардошларимизни тақдирнинг ўткинчи ва беқарор шамоли, ички зиддиятларнинг бирор бир тақозоси мажбур қилган бўлса керак. Ахир, Марказий Осиё республикалари раҳбарларининг Тошкентда бошланган, сўнг Ашгабат, Бишкек, Ўрдабоши ва Туркистонда давом эттан учрашувларида бу қардошлик бобида қутлуғ ниятлар қилиниб, режалар белгиланиб, қандай ваъдалар берилмаган эди!

Алмати учрашуви чоғидаёқ СССРни тиклаш ғоясига қарши чиқишлар ҳам авж олиб кетди. Хусусан, «Азат» халқ ҳаракати раҳбарларидан бири, Қозоғистон парламентининг аъзоси Жасарал Қуанишалининг фикрича: «Қозоғистон Евроосиё Иттифоқига кирар экан, сўзсиз ҳалокатга маҳкум бўлади. У ҳали ўз қаддини тиклаб олганича йўқ. Шу сабабли марказ уни осонлик билан яна қарам қилиб олишга эришиши мумкин. Ҳозир иттифоқни қайта тиклаймиз деб уринаётганлар амалда Қозоғистон бошидан ўтказган қулликни яна қайтариш билан баробар сиёсатни қўллаб-қувватламоқда. Илгари ҳам «Қозоғистон Россияга ихтиёрий равишда кирган эди» деган ниқоб остида унинг қўл-оёғи боғлаб ташланган эди. У аввал протекторат ҳолида бўлади деб, сўнгра колонияга айлантириб юборилган эди. Биз ҳозирги ишларга бутунлай қаршимиз, Қозоғистон халқлари СССРни тиклаш ғоясига бутунлай қаршилар!

Фақат мансабпарастлик ғоялари билан қуроллانган бир ҳовуч тўданинг илдизи ҳозир қирқилмаса, келажакда у модда боғлаб кетиши мумкинлигини унутмаслик лозим...»

Жиноятнинг жиноятдан фарқи бор. МДҲ давлатларидаги ҳозирги ўтиш даври қийинчиликларидан ғараз ниятлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётганларга мустақилликнинг, озодликнинг эркин шабадасидан нафас олган халқлар ҳеч қачон катта сиёсат жиловини тутқазиб қўймайдилар!

Россия разведкаси сардорининг кейинги кунларда матбуотдаги чиқишида МДҲ давлатлари ҳудудида, хусусан, Марказий Осиёдаги мустақилликка эришган республикаларда яқинда иқтисодий тангликнинг кучайиши, бунинг оқибатида ижтимоий-сиёсий зиддият вужудга келиши, халқ хўжалигидаги бузилишлар, ишлаб чиқаришнинг ҳолсизланиши ортиб бориши ҳақида фолбинлик қилинган эди. У яна ўз фикрини давом эттириб, гўё бунинг натижасида миллий низолар кенг қулоч ёяди, миллий озчилик бошига даҳшатли кулфатлар ёғилади, жиноятчилик кучаяди, инсон ҳуқуқлари поймол бўлишининг кучли даври бошланади, деб ваҳима солган эди. Унинг хаёлпарастларча хулосаси шундай эдики, гўё бу давлатлар бирлаштирилиб, бир жиловда ушлаб турилмаса, парокандалик юз бериши ва жаҳон халқларининг хавфсизлигига кучли таъсир этиши мумкин эмиш. Агар унинг гапларида мантиқ бўлса, ўз йўлини таклаб олган Болтиқбўйи республикаларида барқарорлик ҳукм сураётганига нима деркин? Бизнингча, Е. Примаковнинг ваҳима аралаш сўзлари ёш давлатларга ўз тазйиқини ўтказиш йўлидаги хаёлпарастларча хатти-ҳаракатдан ўзга нарса эмас. Жаноб Примаковнинг шу кеча-кундузда Россия Федерацияси ташқи разведка хизмати раҳбари сифатида Марказий Осиё мустақил мамлакатлари келажаги ҳақида ўзича «башорат» қилаётгани, уларни қайтадан мустамлакачилик занжирига боғлаш ғоясини олға сураётгани билан Қозоғистонда бўлаётган шов-шувлар ўртасида пинҳоний боғланиш йўқмикан? Алматида рўй бераётган бу сирли ўйинлар орқасида собиқ марказдаги ҳомийлар — ташқи разведка хизматидаги узунқулоқлар, ўз юртларидаги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ниятида яқин вақтгача «хом ашё минтақаларигача» иштаҳасини карнай қилиб пайт пойлаётганлар, кишилар қалбига босқинчилик оғусини солаётган собиқ корчалон раҳбарлар тургани барчага аён-ку!

«Сиёсат юлдузлари» эса яна собиқ СССР ҳудудида янги тажриба ўтказиш илинжида юрибдилар. Улар Алматига барча МДҲ давлатларини, кўплаб хорижий давлатлар раҳбарларини, жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотларини таклиф қилиб, бу учрашув атрофида катта сиёсий кампания уюштиришни ният қилган бўлсалар-да, унга атиги бир нечта эътибордан четда қолган жамоат ташкилотларидан вакиллар келганининг ўзиёқ бу хаёлпарастларнинг ўйлари пуч эканини яққол кўрсатди. Улар ҳам ишсизликка учраган «эски гвардия» вакиллари бўлиб чиқди. Учрашув сўнггида уларнинг жаҳон халқларига баландпарвоз мурожаатию меҳмонлар шафига уюштирилган катта зиёфатлари, тортилган қимизу қимронлари ҳам учрашув қатнашчиларининг кўнглини кўтара олмади. Улар кўнгилларида катта ғашлик билан тарқалишди.

Ўйлаймизки, уларнинг алмисоқдан қолган бу ғоялари туянинг думи ерга текканда ҳам амалга ошмайди.

(ЎзА).

ДИПЛОМАТЛАР ЎЗ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРАДИЛАР

● Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг халқаро алоқалар институти томонидан чет эл дипломатлари учун махсус курслар ташкил этилди.

Бунда 20 мамлакат вакиллари иштирок этишади. Бу курсларда Марказий Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистон вакиллари, Озарбайжон, Болтиқ бўйи давлатлари, Шарқий Европа, Африка ҳамда Ҳиндистоннинг яқин қўшнилари — Шри Ланка ва Мьянма давлатларидан келган дипломатлар иштирок этишади. Ўқув дастури 11 ҳафтага мўлжалланган бўлиб, дипломатларга муҳим маълумотлар беради. Тажриба ва маҳоратни оширишга кўмаклашади.

ОҒУДАН —ДОРИ-ДАРМОН

● Қирғизистон Республикаси мусодара қилинган гиёҳванд моддаларни қайта ишлаб, улардан дори-дармон тайёрлашга қарор қилди.

Қирғизистон ҳукумати бунинг учун МДҲнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш бўйича доимий қўмитасидан рухсат олди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАШРИФИ

● Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Саудия Арабистонига расмий ташриф билан келди.

У мамлакат подшоҳи Фаҳд билан учрашди. Раҳбарлар учрашувидан сўнг ҳар икки мамлакат делегацияси аъзолари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Ташриф давомида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва Саудия Арабистони билан Қозоғистон ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ТУРКМАНИСТОННИНГ ҚАҲРАМОНЛИК ОРДЕНИ

● Туркманистон парламентининг навбатдаги сессияси якунланди.

Унда мамлакатнинг 1995 йилги бюджети тасдиқланди. Қатор янги мукофотлар таъсис этилди. Улар орасида «Туркманбоши ордени» алоҳида ўрин тутади. Бу мукофот Ватанни ҳимоя қилишда алоҳида жасорат кўрсатганларга тақдим этилади.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

● Туркманистон парламенти раиси Сахат Муродов Туркия Буюк миллий мажлиси раиси Ҳисомиддин Жиндорук билан учрашди.

Учрашувда Туркманистон билан Туркия ўртасидаги алоқаларни ҳар тарафлама ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

РАСМИЙ ТАШРИФ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА

● Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг Туркияга расмий ташрифи 13 октябрга мўлжалланмоқда.

Қирғиз

Ўз халқининг тақдирини ўйлаган ҳар бир элдошимиз қадим Туркистонни ва бугунги Ўзбекистонни жаҳонга танитган ўлмас даҳолар қаторида Мирзо Улуғбекни миллий ифтихор туйғуси билан севиб яшайди.

Мен ҳам кўпдан бери дилимдан жой олган Улуғбекка оид фикр ва туйғуларимни ҳикоялар туркумидан иборат тарихий қиссада баҳоли қудрат ифодалашга интилдим. Қуйида шу тарихий қиссанинг бир ҳикояси берилмоқда.

МУАЛЛИФ.

Пиримқул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УЛУҒБЕК ИЗТИРОБИ

БАЙРАМДА КЕЛГАН ШУМ ХАБАР

Милодий 1447 йилнинг Ҳут ойи охирлаб қолган пайтлар. Самарқанд боғларида оч яшил майсалар энди кўзга кўрина бошлаган. Эрта очилган бинафшаларнинг хушбўй ҳиди Наврўз яқинлигидан дарак беради.

Мирзо Улуғбек бу йилги Наврўз байрамини хушнуд бир кайфият билан кутмоқда. Неча ўн йиллик меҳнату машаққатлар билан ёзиб тугатилган «Зижи Жадиди Кўрагоний» Шарқу Ғарбда қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда. Узоқ-яқинлардан келаётган мактубларда фалакиёт илмининг алломалари бу китобни инсоният тарихидаги энг катта кашфиётлардан бири, деб баҳоламоқдалар.

Дили ифтихор ва қувонч туйғуларига тўлиб юрган Улуғбек ёш ликда мусиқа санъатига берилиб, янги куйлар басталаганини эслади. Ўшанда бошлаб қўйган ишларини қайтадан қўлга олиб, нақорада равон усул билан чалинадиган олтита куй басталади. Уларга «Шодиёна», «Табризий», «Улусий» каби номлар қўйди.

Хут ойи ичида бу куйларни чалиб ўрганган созандалар келгуси ҳафтадан бошланадиган Наврўз сайлларида кўпчилик олдида уларни биринчи марта ижро этмоқчилар. Расадхонада Наврўз кириши билан кеча ва кундуз тенглашадиган пайтда кўзга яққолроқ ташланадиган самовий жисмларнинг ҳали номаълум сирларини очишга ҳозирлик кўриляпти.

Улуғбек ҳар ҳафта мударрису талабаларни йиғиб маърузалар қиладиган икки қаватли муҳташам мадраса атрофида, янгидан обод қилинган ҳиёбонлар ва бозор расталарида Наврўз безаклари кўпайиб бормоқда. Юрт тинч, одамларда кайфият яхши. Осуда ва тиниқ оқаётган шу ҳаёт дарёсига бирдан тоғ қулаб тушгандай бўлди:

Машҳаддан наридаги Рай вилоятига[1] невараси Муҳаммад Султоннинг исёнини бартараф қилиш учун қўшин тортиб кетган Шоҳруҳ Мирзо ҳарбий юриш пайтида Пашаворий деган қишлоқда меъда оғриғидан вафот этган эди. Чопар келтирган бу машъум хабар илми сиёқ[2] ёзуви билан махфий усулда Абдулатиф томонидан ёздирилган экан. «Бобом ҳазратлари Маҳди Улё момомиз илкида жон бердилар,— деган эди Абдулатиф.— Ҳазрат момом энг аввал мени ҳузурларига чорладилар. «Эллик минг қўшинга энди сиз саркардасиз», — дедилар. — Бор лашкарларни йиғиб, Хиротга қайтмоғимиз даркор. Ҳазрат отажон, сиз билурсизки, бу улкан қўшиндан фақат ўн минги сиз менга ишониб топ[illegible]ан туронлик беку навкар[illegible]р. Хуросону Балхдан йиғилиб [illegible]лганлар биздан уч-тўрт баробар [illegible]ўп. Ҳирот тахтига даъвогарларда[illegible] бири бўлган амакивачамиз Мирзо Абулқосим Бобур менга итоат этишни истамай ўн минг қўшин билан биздан ажралиб кетди. Ҳиротда унинг оғаси Алавуддовла ҳоким. Агар унга бобомнинг ўлими ҳақидаги хабар етиб борса, тўполон бошлаши аниқ. Биз ҳазрат бобомнинг ўлимини сир тутиб, тобут билан Нишопур томонга қайтмоқдамиз. Вазият беҳад оғир. Менинг ниятим ҳазрат бобомнинг жисмларини Симнон орқали Самарқандга етказиб бориш. Аммо йўл узоқ. Хавф-хатар кўп. Ҳазрат отажон, бутун нажотни сиздан кутмоқдамен. Тезроқ ёрдамга етиб келмасангиз, интиҳосиз талафотлар гирдобида қолишимиз мумкин. Сўзим тамом. Сизга содиқ фарзандингиз Мирзо Абдулатиф».

Қирқ йил давомида Улуғбекка қарши тажовуз қилган кўп балоларга отаси Шоҳруҳ Мирзо балогардон бўлиб келган эди. Улуғбек суяниб турган тоғи қулаган одамдек бирдан қаттиқ ларзага тушди.

Аммо дилини чулғаб олган мусибат, изтироб ва безовталикни беку аъёнлардан яширишга мажбур эди. Соҳибқирон бобоси Амир Темур ҳарбий юриш пайтида вафот этганда бу воқеани сир тута олмаганликлари учун ёмон алғовдалғов бошлангани унинг эсидан чиққан эмас. Шунинг учун Улуғбек амиру аъёнларни машваратга чақирди-да:

— Ҳазрат отамиз бизни ҳузурларига чорлабдилар, — деди. — Барча қўшинлар тезликда сафар ҳозирлигини кўрсинлар...

Улуғбек бу гал қўшинни Бухоро орқали Калифга эмас, Ғузор орқали Термизга бошлаб кетди. Чунки бу йўл Амударёга яқинроқ эди.

Бойсунтоғдан нарида бодомлар, [illegible]клар қийғос гуллаган. Қиру адирларда ясан-тусан одамлар Наврўз сайллари ўтказишмоқда. Аммо Улуғбекнинг кўнглига шодлик сиғмайди. Уйғонган табиат гўзалликларини кўзи кўрса ҳам уларнинг завқи дилига етиб бормайди.

Унинг бутун фикру хаёли отасининг ўлими-ю тобутни қўриқлаб келаётган ўғли билан онасида эди. Шоҳруҳ Мирзо Амир Темурдан кейинги энг улуғ давлат арбоби бўлганини одамлар унинг ўлимидан кейин астойдил ҳис қилсалар керак. Чунки Шоҳруҳ Мирзо Мўғулистондан Арабистонгача, Дашти Қипчоқдан Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудларни ягона давлат қилиб, қирқ йил давомида яхши идора этган нодир сиймо эди. Оилада ҳам шу қирқ йил давомида Шоҳруҳнинг уч ўғлидан бирортаси — на Улуғбек, на Бойсунқур, на Мирзо Жўғий — оталарига қарши исён қилганлари йўқ. Отанинг ҳушёрлиги, донолиги, барча жиловларни бир қўлда яхши тутганлиги туфайли уч оғаини бир-бири билан ёвлашмасдан, ҳар қайсиси ўзи яхши кўрган иш билан банд бўлди.

Бу ўғиллар қийинчилик кўриб пишиган, ҳарбий юришларда машаққат чекиб чиниққан эдилар. Аммо фаровон замонда кўпроқ ўйин-кулги, айшу ишрат билан ўсган Шоҳруҳнинг неваралари ноаҳил, бири-бири билан қирпичоқ. Бу ёшларда сарфланмаган кучлар кўп. Ота-боболари каби катта ғалабаларга эришиб, тождор бўлиш иштиёқида ёнишади. Ёшлари ҳам йигирма-ўттизга борган. Ўйланиб фарзандлик бўлишган. Атрофларидаги амиру беклари улардаги тахтпарастлик туйғуларига мой қуйиб аланга олдиришади.

Ана шунинг оқибатида Бойсунқур Мирзонинг ўртанча ўғли Султон Муҳаммад Ироқда исён кўтариб, 72 ёшлик бобосини қиш кунида бемаврид ҳарбий юриш бошлашга мажбур қилди. Ўша Султон Муҳаммаднинг туғишган иниси Абулқосим Бобур эса узоқ элда вафот этган бобосининг тобутини абадий маконигача қўриқлаб келиш ўрнига, ўн минг қўшинни йўлдан уриб Журжон томонларда мустақил давлат тузиш ҳаракатига тушган. Шоҳруҳнинг ўлими ҳақидаги хабар Ҳиротга етиб борса, ким билсин, катта невара — Мирзо Алавуддовла қандай ҳунарлар кўрсатаркин?

Улуғбекнинг кўнглига хиёл таскин берган хабар шуки, Гавҳаршодбегим билан ўғли Абдулатиф мушкул бир вазиятда аҳил бўлиб, бирга қайтиб келишмоқда. Улуғбек сараланган қўшинлардан икки минг суворийни Термиз яқинида кемалар билан дарёдан ўтказдирдию, Бобо Ҳусайн деган ишончли одамини уларга қўшиб, онаси билан Абдулатифга кўмак юборди. Сирдош Бобо Ҳусайнга қайта-қайта тайинлади:

— Абдулатиф доим Ҳазрат момоси билан бамаслаҳат иш қилсин! Маҳди Улё онам неваралари орасида Абдулатифга шундай катта ишонч билдирибдир, эллик минг қўшиннинг ихтиёрини унга топширибдир, энди ўғлимиз шу ишончни оқласин!

МОМОСИГА ҚАСД ҚИЛГАН НЕВАРА

Аммо Улуғбек юборган одам узоқ йўлларни босиб ўтганча иғвогарлар Абдулатиф билан Гавҳаршодбегимнинг орасига нифоқ солишга улгурдилар. Ҳамма бало Турон амирлари билан Хуросон амирларининг бир-бирларига бўйсунмай, обрў талашишларидан бошланди. Қўшинда қаттиқ тартиб ўрнатиш учун Абдулатиф ўзи билан келган туронлик беку навкарларга таянарди. Аммо Хуросону Балхдан келган беку навкарлар самарқандликларнинг итоатида бўлишни истамас, чунки улар кўпчилик эди ва Шоҳруҳ Мирзо даврида ўзларини туронликлардан баланд қўйиб ўрганган эдилар. Жаҳли тез Абдулатиф итоат этишни истамаган хуросонликлардан бир қанчасини чўп-ясоқ жазосига буюриб, даррё билан урдирди. Баъзиларини ўзи ҳам қамчи билан савалади. Орадаги низо кучайиб, қўшинда бузилиш бошланди. Ҳазар денгизи яқин, ҳавода нам кўп. Ҳут ойининг ёмғирлари ҳамма ёқни ивитиб юборган. Куни билан лой кечиб йўл юрган аскарлар кечаси қуруқроқ жойда ётиб дам олишга интилади. Қуруқ жойлар эса бир-биридан анча узоқда бўлган қишлоқларда. Қўшин ана шу қишлоқларда тунаш учун тарқаб кетганда ўнг қанот билан сўл қанот орасидаги ўнлаб чақирим масофани эгаллайди. Абдулатиф ёпиқ аравага солинган тобутни ва момоси Ғавҳаршодбегимни қўриқлаб марказда боради. Кечаси улар ҳам қишлоқ кадхудоси[1] ёки шаҳар ҳокимининг қўрғонида тунайдилар.

Хуросон амирларидан бир қанчаси Гавҳаршодбегим қароргоҳига арзга келиб, Абдулатифнинг шафқатсиз жазолар бераётганидан шикоят қилдилар. Бегимнинг хизматини қилиб юрадиган аёллар орасида Жунайид Бўта деган Абдулатифга яқин бекнинг хотини ҳам бор эди. Бу хотин Гавҳаршодбегим ҳузурига арзга келган амирларнинг гап-сўзларини зимдан эшитиб, эрига етказиб турадиган хуфя эди. Ҳиротлик Мирзо Солиҳ Гавҳаршодбегим ҳузурига келиб:

— Шаҳзода Абдулатиф ҳаддидан ошмоқдалар! — деди. — Ҳиротга қочиб кетаман деган йигитлардан бирининг бошини кесдирибдир. Ахир биз, Хуросону Балхдан келганлар кўпчиликмиз! Бундай шафқатсиз жазолардан пичоқ бориб суякка қадалса, қўшинда исён кўтарилиши мумкин!

Гавҳаршодбегим овозини пасайтириб:

— Зинҳор бундай ёмон сўзларни оғизга ола кўрманг! — деди. — Исёндан худо сақласин, муроса йўлини излайлик!

Бегимнинг паст товуш билан айтган сўзларини Жунайид Бўтанинг хотини аниқ эшитмади. Унинг назарида, бегим ҳам исёнга мойиллик билдириб, овозини пасайтиргандай бўлди. Бу гаплар ўша куни хуфтонда Жунайид Бўта орқали Абдулатифнинг қулоғига етиб борди. Абдулатиф бошқа нохуш хабарлар ҳам эшитиб, қаттиқ хавотирга тушиб ўлтирган эди. Ўтган кечаси узоқ қишлоқда тунаган беш юз хуросонлик беку навкарлар Ҳиротга қочиб кетибди. Булар тўғри Алавуддовланинг олдига бориб, уни қўзғатса, Журжон томондан Абулқосим Бобур ҳужум қилса... Шунинг устига қўшин ичидаги Мирзо Солиҳга ўхшаганлар Гавҳаршодбегим билан тил бириктириб исён кўтарсалар...

— Наҳотки момом бу исёнга қўшилса!? — деб кўзлари ола-кула бўлиб сўради Абдулатиф Жунайид Бўтадан.

— Қўшилиш ҳам гапми, Мирзо Солиҳ билан пичирлашиб, исёнинг маслаҳатини қилишибдир! Булар сизни ҳибс қилиб, Хуросон ихтиёрини Алавуддовлага беришмоқчи! Момонгиз аввалдан Алавуддовлани валиаҳдликка мўлжаллаб юрганини билардингиз-ку!

— Демак Момом қўшинни менга... вақтинча... Алавуддовла етиб келгунча топширган экан-да!

— Айни шундай!

Абдулатифни ваҳима босди. Вас-вас бўлгандай телбаланиб:

— Бас! Мени туттирмоқчи бўлганларнинг ўзлари ҳибс қилиниши керак! — деди.

— Амирзодам, фитнанинг олдини олмасак ютқазамиз!

— Бугун тун ярмида.. энг ишончли йигитлардан икки юз кишини олинг! Момомизнинг элликтача қўриқчиси бор. Саҳар палла боринглар! Қаршилик қилганларни аямай қиринг!

Гавҳаршодбегим Шоҳруҳнинг тобути билан ёпиқ бир қўрғончада гунамоқда эди. Дарвоза ичкарисидан бекитилган экан. Жунайид Бўтанинг икки юз йигити деворга нарвонлар қўйиб ошиб тушишди. Қаршилик қилган соқчилардан ўнўн бештаси қиличдан ўтказилди. Гавҳаршодбегим ва унга ҳамроҳлик қилиб келаётган Амир Сўфи Тархон ухлаб ётган жойларида ҳибсга олиндилар. Қўллари боғлиқ ҳолда уларни тобут қўйилган усти ёпиқ аравага чиқаришди. Эрталаб бу арава қўшин билан бирга йўлга тушганда унинг атрофидаги қўриқчилар одатдагидан икки-уч баробар кўпайиб қолгани кўзга ташланди. Гавҳаршодбегимнинг ўз қўриқчи йигитлари бўлар эди. Беклар уларни танир эди. Ҳозир бегимнинг қўриқчиларидан бирортаси ҳам кўринмайди. Уларнинг ўрнини Жунайид Бўта бошлиқ бошқа хос қўриқчилар эгаллаган эди.

Етмиш бир ёшлик Гавҳаршодбегим ўз невараси томонидан ҳибсга олинганлигини сафар пайтида яшириш қийин эди. Ўша куниёқ бу ҳодиса Мирзо Солиҳ каби ҳиротлик бекларнинг қулоғига етиб борди. Улар ўнг қанотда бормоқда эдилар. Бу кеча қўшинда тунаб қолсалар улар ҳам ҳибс қилиниши мумкин эди. Шуни сезиб, оқшом қоронғи тушган заҳоти уч минг киши Ҳиротга қараб қочди. Абдулатиф ўз қароргоҳида исён чиқишидан қўрқиб уларнинг кетидан қувғинчи юборолмади. Ҳиротда Алавуддовла Абдулатифни ташлаб қочиб келганларни қучоқ очиб кутиб олди. Шоҳруҳ Мирзодан мерос қолган хазиналарни очдириб, қочиб келганларга ховуч-ховуч олтин улашди:

— Бизга содиқ беку навкарлар минбаъд мана шундай мукофотлар олғайлар! — деди. — Аммо кўрнамак Абдулатиф... ўзини тарбиялаб ўстирган авлиё момосини занжирбанд қилгани учун жазо олмоғи лозим!

— Гавҳаршодбегимни қутқаришни бизга топширинг! — деди Аҳмад Тархон.

— Мен ҳам сизлар билан борғаймен, — деб Мирзо Солиҳ олдинга чиқди.

Гавҳаршодбегимга қариндошлиги бўлган Увайс Тархон ҳам уларга қўшилди.

Алавуддовла бу уч амирнинг ҳар бирига зарбоб тўн кийдирди, исфаҳоний қилич ва учқур отлар ҳадя қилди. Икки минг сара навкарларни уларнинг ихтиёрига бериб, кечаси Нишопурга жўнатди.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Бу орада Абдулатиф Нишопурга етиб келган эди. Унинг қўшинлари шаҳар яқинидаги маҳаллаларни талаб, Нишопур ва унинг атрофидаги аҳолини қаттиқ норози қилган эди. Абдулатиф бутун Хуросонга донг кетган Маҳди Улё момосини азадор аҳволига қарамай ҳибс қилгани ҳамма ёққа овоза бўлган, бундай ноинсоф невара кўпчиликнинг нафратини келтирмоқда эди. Шу сабабдан нишопурликлар Ҳиротдан яширқча келган Мирзо Солиҳ ва Увайс Тархонларга қўлларидан келганича кўмаклашдилар. Улар кечаси Абдулатиф ухлаб ётган қаср дарвозасини ҳиротликларга секин очиб бердилар.

Дарвозахонада фонус ёниб турган эди. Бирдан уйғониб кетган соқчилар шовқин кўтариб ҳиротлик беку навкарларнинг йўлини тўсдилар. Жанг бошланди. Ҳиротдан келганлар кўпчилик эди. Улар қоровуллар қаршилигини енгиб ўтганларида дарвозахона яқинида отлиқ Абдулатиф пайдо бўлди. Дарвозахонадаги фонус ёрғида унинг саман оти лой аралаш сув сачратиб келаётгани кўзга ташланди. Икки кун сурункасига ёмғир ёққан, ҳовлида кўлмаклар бор эди. Увайс Тархон отлиқ Абдулатифни мўлжаллаб ёйдан ўқ отди. Ўқ отга тегдими ёки саманнинг оёғи қоронғида чуқурга тушиб кетдими, ҳар қалай от тойиб йиқилди. Эгардаги Абдулатиф ёмғир кўлмаги устига учиб тушди. Мирзо Солиҳнинг навкарлари унга томон ташландилар. Ҳаш-паш дегунча қўлини орқасига қайириб боғладилар. Абдулатифнинг ёнидаги Жунайид Бўта қилич яланғочлаган эди. Уни найза билан уриб йиқитдилар.

Бу орада Аҳмад Тархон дарвозадан сал наридаги омборхонани топди. Гавҳаршодбегимни Шоҳруҳнинг тобути билан шу зах, сассиқ омборхонага киргизиб, устидан қулфлаб олган эдилар. Омборхона қоровули калитни топиб берди. Ичкарига биринчи бўлиб кирган Аҳмад Тархон:

— Ҳазрат бегим! Қайдасиз? Мен жиянингиз Аҳмад Тархонмен! — деб қичқирди.

— Ё оллоҳ! — деб товуш берди Гавҳаршодбегим. — Ўзингга шукур! Аҳмаджон!.. Солиҳжон!.. Нажоткорларим!

Ҳибсда эзилган, захда бел оғриғидан букчайган Гавҳаршодбегимни икки ёнидан суяб дарвозахона олдига олиб келдилар. Бегим фонус ёрғида қўли боғланган, шоҳона кийимлари лойга беланиб аянчли аҳволга тушган невараси Абдулатифни кўрди-ю, йиғлаб юборди:

— Ноинсоф неварамга яхшилик қилсаму, шундай ёмонлик кўрсам-а!... Мана, қасос қайтибди!... Лекин бу қасосдан менинг дилим вайрон! Боламнинг боласини шу аҳволда кўриш менга азоб!

— Начора, Ҳазрат бегим! Мирзо Абдулатиф қилмишига яраша жазо олмоғи даркор! — деди Увайс Тархон.

Абдулатифни банди қилиб, Ҳиротга олиб кетдилар ва қўл етмас жойдаги мустаҳкам Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйдилар.

* * *

Бу орада Улуғбек Амударёдан ўтиб Балхга келган эди. Шу ерда туриб сўнгги мудҳиш воқеаларни эшитди-ю, чексиз бир изтироб ичида қолди. Аҳлини йўқотиб кетса момосини ҳибс қилган Абдулатифни энди қандай қутқариш мумкин? Албатта, бу ҳодисада кўпчилик Гавҳаршодбегимни ҳақ деб билади. Лекин Улуғбек Алавуддовланинг бандисига айланган ўғлини ҳибсдан чиқариб олмаса унинг оталик обрўси нима бўлади? Ҳиротга қўшин тортиб бориб, жанг қилса, у ерда онаси бор. Етмишдан ошган онага қарши қилич яланғочлаш... Буни Улуғбек хаёлига ҳам келтира олмайди.

Бирдан-бир йўл — элчилар юбориб муроса йўлини излаш эди. Улуғбек Ҳиротда кўпчиликни танийдиган энг эътиборли уламолардан Низомиддин Мирак Садрни элчи қилиб юборди, элчи орқали Алавуддовлага илиқ бир мактуб ёзиб, келгусида унга катта иноятлар ваъда қилди, фақат орада ҳафачилик бўлмаслиги учун Абдулатифни ҳибсдан бўшатиб, отасининг олдига юборишини талаб қилди. Бироқ Алавуддовла ашаддий душмани Абдулатифни ҳибсдан бўшатишга рози бўлмади. Шундан сўнг элчи Низомиддин Мирак Улуғбек номидан Гавҳаршодбегимга мурожаат қилди.

— Ҳазрат бегим, Мирзо Алавуддовла сизнинг сўзингиздан чиқмаслар. Шаҳзодага тушунтиринг: Улуғбек ҳазратлари ўғилларини ҳибсда тутган одам билан сулҳ тузсалар, эл-улус буни маломат қилгай. Рост, Мирзо Абдулатиф сиздек улуғ момосига зулм ўтказиб катта гуноҳ қилган. Шу гуноҳи туфайли тангри унга жазо берибдир; ўзини ҳибсга туширибдир. Агар бу жазони кам деб ҳисобласангиз, Абдулатифни Улуғбек ҳазратларига топширайлик. Қолган жазони падари бузрукворлари берсин! Бундан ўзга муроса йўли йўқдир, ҳазрат бегим!

— Жаноби элчи, мен ҳам муроса тарафдоримен. Ҳирот билан Самарқанд орасида сулҳ бўлсин, уруш бўлмасин, қон тўкилмасин! Улуғбек Мирзо менинг ёлғиз ўғлим, кўзимнинг оқу қароси, жонимдан азиз фарзандим. Раҳматли Шоҳруҳ Мирзонинг қонуний тахт вориси — Мирзо Улуғбекдирлар. Буни Ҳиротда барча тан олур. Сулҳ тузилса, Ҳирот жомеъсида Мирзо Улуғбекнинг муборак номлари хутбага қўшиб ўқилгай. Аммо сулҳ мустаҳкам бўлиши учун Абулатиф Ихтиёриддин қалъасидан чиқмаслиги лозим. Мен унинг дастидан ҳибсда азоб тортганимни аллақачон унутганмен. Оналар кечиримли бўлурлар. Менда қасоскорлик туйғуси йўқ. Аммо Абдулатиф ҳибсдан чиқса, уруш қилмай туролмагай. Унинг табиатида қон тўкиш майли беҳад кучли. Момосига шундай ёмонлик қилган Абдулатиф эрта-индин отасига ҳам ёмонлик қилишдан қайтмагай! Шуни Улуғбек Мирзога бориб айтинг. Олим ўғлимизга тинчлик керак. Алавуддовла Ҳиротда Улуғбек хизматида бўлгай. Самарқанд соҳибқирон Амир Темур давридаги каби пойтахт бўлсин. Абдулатифнинг гуноҳи бўйнида. Ихтиёриддин қалъасида бирор йил тинч ётсин. Диқ касали бор[1]. Қимиз ичсин. Табиблар даволасин. Майли, аҳли ҳарами ҳам ёнида бўлсин. Қалъада шоҳона ҳоналар бор. Майдан бошқа нозу неъматлар муҳайё қилингай. Бир йилда Абдулатиф шифо топиб, эҳтимол феъли ҳам ўзгарар. Унгача алғовдалғовлар ҳам босилгай. Мирзо Улуғбекнинг тинчини ўйлаб шу таклифни қилмоқдамен. Бориб айтинг, жаноби элчи, мен ўғлимга фақат яхшилик истаймен!

Аммо Улуғбек бу таклифни қабул қила олмас эди. Чунки унинг атрофидаги амиру уламолар Абдулатифнинг Алавуддовла томонидан ҳибс қилинишини Улуғбекнинг подшоҳлик шаънига тушган доғ деб ҳисоблашарди. Улуғбек бу доғни ювиб ташламасдан сулҳ тузса, Алавуддовлани ғолиб деб тан олган бўлар, ўзи эса мағлубиятга учраган ҳисобланарди.

Улуғбек онасининг куюниб айтган гапларида жон борлигини, Абдулатиф ҳибсдан бўшаса яна уруш чиқариб отасининг тинчини бузишини сезарди. Аммо шоҳлик удуми ғалабани Алавуддовлага бериб, Улуғбекнинг мағлуб аҳволга тушишига йўл қўймасди. Шунинг учун Улуғбек Абдулатифни ҳибсдан бўшатишларини қаттиқ туриб талаб қилди.

Бу орада Журжондан, Алавуддовланинг иниси Абулқосим Бобурдан Улуғбекка элчи келди. Абулқосим Бобур Алавуддовла билан уруш бошлаган, Ҳирот ҳокимлигига акасидан кўра ўзини муносиброқ деб билар ва бу мақсадга етиш йўлида Улуғбекдан мадад кутар эди. Абулқосим Бобур элчисига Улуғбек илтифот кўрсатиб, совғалар берди. Шу билан Абулқосим Бобурга хайрихоҳ эканини билдирди. Бундан далилланган Абулқосим Бобур Машҳадни Алавуддовладан тортиб олди ва Ҳиротга таҳдид сола бошлади.

Икки томонлама хатардан чўчиган Алавуддовла энди Улуғбек Мирзога ён берди. Абдулатифни ҳибсдан бўшатиб, сарупо кийдирди ва яхши отга миндириб, иззат-икром билан Улуғбек ҳузурига кузатиб қўйди. Шундан кейин Улуғбек у билан сулҳ тузиб, Ҳирот ихтиёрини Алавуддовлага берди.

[1] Рай — ҳозирги Теҳронга яқин бўлган қадимий шаҳар.

[2] Яширин ёзув, шифр.

[1] Кадхудо — қишлоқ оқсоқоли.

[1] Диқ — сил касаллиги.

Жамғарма банки

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБИ—СИЗГА ҚИСҚА МУДДАТДА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

БУ ЯНГИ ОМОНАТ ҲИСОБЛАРИ 1994 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН КИРИТИЛМОҚДА ВА БУ ҲИСОБЛАР:

— 3 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 300 сўм бўлганда 30% миқдорида даромад тўлаш шарти билан;

— 6 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 200 сўм бўлганда 60% миқдорида даромад тўлаш шарти билан;

— 12 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 100 сўм бўлганда 120% миқдорида даромад тўлаш шарти билан очилади.

Қисқа муддатли депозит ҳисоблари бўйича омонат фақат нақд пул билан очилади.

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг ҳоҳлаган муассасасидан ҳамда қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-43; 33-51-95:

• Диққат, янгилик!

КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН ОМОНАТ ТУРИНИ ОЧСАНГИЗ—СИЗ КЎПГИНА МУАММОЛАРДАН ХАЛОС БЎЛАСИЗ!

Бунда қуйидаги афзалликлар мавжуд:

— омонатнинг сирлилиги ва тўлиқ сақланишига кафолат берилади;

— пул қўйиш ёки олиш учун омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинмайди ва фамилияси, исми, отасининг исми омонат дафтарчасида ҳамда бошқа ҳужжатларда ёзилмайди;

Кўрсатувчига бериладиган омонат бўйича йилига 30% миқдорида даромад тўланади.

Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-43; 33-51-95:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

«РостИНКО» ҳиссадорлик жамияти

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРХОНАДАН НАҚД ПУЛСИЗ 20 ФОИЗГА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА МОЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— «Авангард» Хоразм гуручи;
— 1,5 кВт дан 55 кВт гача, дақиқасига 750 дан 3000 мартагача айланадиган 3 фазали асинхрон электро-двигателлар;
— ОКСТ 6 Т114 гидравлик пресси;
— 200 мм гача бўлган қувурларни қайирадиган дастгоҳ;
— ВР 8/2 вакуумли насослар;
— АЭ КЧЭ мевани ажратиш машинаси;
— МКСБОШИ 4×4×1,2 симметрик телефон кабели.
— ЭЦВ 4, ЭЦВ 6 чуқурлик насослари;
— ФКУ — 3 колбаса цехи;
— чархтош доиралари;
— ПИБН — 2×2,5 ёпиқ сим ўтказиш симлари;
— 100 фоизли акустик сода.

СОТИБ ОЛАДИ:

— кабель маҳсулотларини;
— сепаратор;
— юқори ва паст босимли донадор полиэтиленлар;
— ТДМ пайвандлаш ускуналари;
— металлпрокат;
— халқ эҳтиёжи моллари;

Шунингдек, кран ишларини ҳам бажаради.

Тел: 45-75-67, 45-75-58.
Факс: 45-75-23.
Фурқат кўчаси 1-уй, 8-қават, 706-хона. Йўналиш: Халқлар Дўстлиги саройи.

ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан нақд пулсиз:

— Россияда ишлаб чиқарилган томат пасталари, жемлар, қатиқ, қуюлтирилган ва пастеризация қилинган сут ишлаб чиқаришга мўлжалланган кўп тармоқли ускуналар сотилади.

Тел: 45-75-67, 45-75-58,
Факс: 45-75-23.

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!



Ҳак-ҳуқуқингизни билласизми?

САВОЛ: Туғилганлик ҳақида гувоҳномамда отамнинг исми Носировна ёзилган. Аслида эса Насруллаевна бўлиши керак. Шу ҳақда ЗАГС ходимларига мурожаат қилсам улар рад жавоби бердилар.

З. АКБАРОВА. Термиз шаҳри.

ЖАВОБ: ЗАГСнинг рад жавоби билан халқ судига мурожаат қилсангиз улар текшириб, ёрдам беришади.

●

САВОЛ: Суд орқали ажрашганман. Лекин кийим, телевизор, мебелларим олдинги эримнинг уйида қолиб кетган. Сўрасам бермаяпти.

З. ИБРОҲИМОВА. Хива шаҳри.

ЖАВОБ: Сиз мол-мулкларингизнинг рўйхатини аниқлаб, Хива шаҳар судига даъво аризаси ёзиб, мурожаат қиласиз. Улар ишни Ўзбекистон Республикасининг никоҳ ва оила кодекси 27 ва 29-моддаларига асосан кўриб, ҳал қилиб беришади.

●

САВОЛ: Суд менга яшаб келаётган хонадонимда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб қарор чиқарди. Бундан норозиман. Нима қилишим маслаҳат берасиз?

Б. ЮСУПОВ. Қўқон шаҳри.

ЖАВОБ: Унда юқори судга, яъни Фарғона вилоят судига кўриб чиқиш учун назорат ёки кассацион шикоят қилсангиз бўлади.

●

САВОЛ: Уруш вақтида 1943-46 йилларда фронт орқасида Андижон вилояти Чинобод тумани маорифи соҳасида ишлаб, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган эдим. Шуни йўқотиб қўйдим. Қандай тикласам бўлади.

Ёқубжон ҲАКИМОВ. Андижон вилояти.

ЖАВОБ: Сиз бу ҳақда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Андижон вилояти бўлими ёки Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига ёзма равишда мурожаат қилинг.

●

САВОЛ: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи»ман. Менга Пскент тумани ижтимоий таъминот бўлими 60 фоиз маош миқдорида ҳақ тўлаяпти. Шу тўғрими?

Жамол ИСОМОВ. Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сонли қарорига асосланиб, пенсия ёки олаётган маошингизга фахрий унвонингиз учун қўшимча ҳар ой 60 фоиз ҳақ тўланади.

●

САВОЛ: 3-гуруҳ ногиронман. Касалхонада узоқ вақт ётдим. Яқинда жуда оз миқдорда пенсия олдим.

Рустам УСМОНОВ. Ҳамза тумани.

ЖАВОБ: Сиз пенсия миқдорини кам деб ўйласангиз Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига мурожаат қилинг. Текшириб, аниқлаб беришади.

●

САВОЛ: Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Лекин у фарзандларимга моддий ёрдам бермайди. Икки нафар вояга етмаган болаларимиз бор.

Малика ИБРОҲИМОВА. Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Сиз яшаб келаётган жойингиздаги туман ёки шаҳар судига алимент ундириш учун ариза беринг. Халқ суди ундириб беради.

●

САВОЛ: Ишлаб тургандим. Корхонадан бўшатиб юборишга маъмурият ҳақлимикин?

Ҳожиакбар ҚОБУЛОВ. Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Маъмурият рози бўлмаганингиз ҳолда бўшатиб юборган бўлса, унда сиз корхона жойлашган туман халқ судига даъво аризаси беришингиз керак. Суд буни ўрганиб чиқади. Агарда қонун бузилган бўлса ишга тиклаш тўғрисида қарор чиқаради.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

Зулфия МУМИН

ОЙ КЎКСИМГА БОТАДИР

Бизга хат ёзиб, сим қоқиб сўрашади: «Зулфия Мўмин қаерда ишлаяпти? Шеър ёзяптими ё?...» Жавобини... ўзи айтсин: «Бир ўзбек аёлининг бошида неки қувонч ташвиш ёзилган бўлса ҳаммасини кўряпман. Ҳозир уйдаман. Икки қизим — Саодат ва Санобарни катта қиляпман. Шеър дейсизми ёзяпман. Ҳатто кўнгил тўлиб-тўлиб ҳар куни ёзгим келади...»

* * *

Юртим!
Кўз тегмасин титроқда жоним,
Гулдек кипригингда туриб ўсдим мен,
Кўнгил кўпригингда юриб ўсдим мен.
Кўзинг қирғоғидан қизғалдоқ узиб
Тавонинг тиконин сўриб ўсдим мен.
Дардлари ғалвирим, сочи чилвирим
Пойингга бошимни уриб ўсдим мен.
Нафармон яралар нафармон этган,
Нафармон гулларни териб ўсдим мен,
Қабоғинг остида аччиқ тошларни
Қабоғимга йиғлаб суриб ўсдим мен.
Юртим!
Хиёнат хачирин тескари минган,
Қозилар қамалин кўрганим сенсан,
Тилло тожларингдан кўзлари тинган
Тозилар амалин кўрганим сенсан.
Бошингда қиличин ўйнатган далв,
Ҳуд ила ҳамалин кўрганим сенсан,
Иссиқ кафтларингдан дон еган қушлар
Маккадан қайтгалин кўрганим сенсан.
Кўриб-кўриб кўзи тинган тупроғим,
Пойига юлдузлар инган тупроғим,
Қўйнига парилар қўнган тупроғим.
Кўзингга қум сочиб ўтган ёғийлар,
Деди турк ухлади бандаи ғофил,
Сен кўздан қум териб оввора эдинг,
Қум териб, сивириб оввора эдинг,
Қуму — тош ёнида ўсган бойчечак,
Бу қур шамолларга интиқ ўсдим мен.
Гоҳо қон туфладим пайкаллар аро
Қандайдир кўзлари синиқ ўсдим мен.
Юртим!
Менда ёмғир бўлиб, менда қор бўлиб,
Боримни бошингдан элаб ўтарман.
Нафармон яралар нафармон этган,
Нафармон гулларни силаб ўтарман.
Тилимга ловуллаб қўнган оташдан
Музларга қаловлар қалаб ўтарман.
Мен на нон гадоси, на шон гадоси,
Ўтсам толенгини тилаб ўтарман.

Билмадим, қайларга чопаётир у,
Дардларин тошларга отаётир у,
Ишқини қароқчи урди саҳрода
Карвон-у, қумларга ботаётир у.
Тақдир, бу аёлга ҳайрон қоламан,
Надомат қошида вайрон қоламан.

Алплар, акобирлар гул отар унга
Фарҳодлар, Шопурлар гул отар унга,
Уни авраганмиш жодугар илон
Кўзларин севмиш у сарсон қоламан

Яратган сен уни эртак яратдинг,
Бу аёл зотидан бўлак яратдинг.
Қаноти остига ёвлари отган
Ёйларни силаган лайлак яратдинг
Бағримга санчилган камон қоламан
Тақдир, бу аёлга ҳайрон қоламан.
Омонлик тилайди рақибларига,
Қуллуқ дер, ҳийла-ю, таъқибларига,
Дил очар сотқину, ёқубларига,
Ғийбатлар сарғайтган сомон қоламан,
Тақдир, бу аёлга ҳайрон қоламан.
Яратган, сен уни бошқача ярат,
Учсин қанот бергин, қушларга юбор,
Алдов етолмаган пешларга юбор,
Оҳуларга, ҳушёр хешларга юбор,
Сен уни бунчалар қувноқ яратдинг,
Савту — саломларга ўртоқ яратдинг,
Қарғалар қағиллар шохчаларида,
Заҳчалар чағиллар шохчаларида,
Элитиб кўмса-да овлоқ-овлоққа,
Кўкариб чиқувчи ёнғоқ яратдинг,
Тақдир, қўявергин сўнгги дафъа ҳам
Ўлса ўзи учун ўлмас бу аёл
Етса кулиб ётар қабр ичра ҳам
Барибир бошқача бўлмас бу аёл.

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Баъзан бу аёлга ҳайрон қоламан,
Пушаймон йўлида тузон қоламан,
Умри томиб ётар икир-чикирга
Уни тополмайин сўзон қоламан.

КЎЗЛАРИ ЧЎҒЛИ ЁРИМ

СИЗЛАР ЭР-ХОТИН, БИР-БИРИНГИЗНИНГ ЛИБОСИНГИЗДИРСИЗЛАР

(ҲАДИСДАН).

Кўзлари чўғли ёрим,
Баҳоси йўғли ёрим,
Жондан либос тўқиган
Парининг ўғли ёрим.
Либослар бор қоғоздан
Ёмғир томса тўкилур,
Либослар бор ёнидан
Шамол ўтса сўкилур.
Сен темирдан яралган
Сен тошдан бўл,
либосим,
Тошлар етмай йиқилсин
Қуёшдан бўл, либосим.
Бу қандайин либос деб
Ушлаб кўрувчилар кўп.
Силтаб кўрувчилар кўп.
Муштлаб кўрувчилар кўп,
Эшлаб кўрувчилар кўп.
Тишлаб кўрувчилар кўп.
Кўзлари чўғли ёрим,
Баҳоси йўғли ёрим,
Жондан ипак тўқиган
Парининг ўғли ёрим.
Тозаи қор либосим
Танамда ор либосим
Иртилгунча ўлимга
Юбор-юбор, либосим.
Пок бўл майли жандан
Кулоҳим бўл, либосим.
Музламайин гул исли
Гулоҳим бўл, либосим.
Чор тарафдан ўраган
Чоргоҳим бўл, либосим.
Минг балодан асровчи
Паноҳим бўл либосим.
Кўзлари чўғли ёрим
Баҳоси йўғли ёрим,
Жондан либос тўқиган
Парининг ўғли ёрим.
Кўккина каптар бўлиб
Кўкайимга кир мени.
Оққина каптар бўлиб
Кўзларимни тер мени.
Сен де, садқанг сизлама,
Имлаб қолса ер мени.
Бошқа либос излама,
Оқ кафанга бер мени,
Оқ кафанга бер мени.

ЙЎЛЛАРИГА ГУЛЛАР СОЧАЙЛИК

Биз ҳали бола эдик. Онам опам иккаламизни етаклаб жангоҳ билан туташиб кетган театруга олиб бордилар. Эртак томоша қилдик.

Биз ҳали жажжи ўқувчи эдик. Ўқитувчимиз бизларни саф қилиб яна ўша театруга олиб келдилар. «Қаҳрамон», «Али. Сурма ва хоннинг аждари» спектаклларидан ҳаяжон билан қайтдик.

Биз улғая бошладик. Энди театрга ўзимиз борадиган бўлдик. Тез-тез борадиган бўлдик. Билет учун уч сўмни ота-оналаримиздан тез-тез ҳиқиллаб оладиган, буфетдан нарса олиб емасак ҳам, тангаларни йиғиб спектаклга атайлаб тушадиган бўлдик. «Ёрилтош», «Ёш гвардия», «Етуклик аттестати»ни кўрганда бефарқ кетмайдиган, оқ-қорани ажрата оладиган бўла бошладик. «Қиз жибек» ва «Абдулла Набиев»ларни тушунадиган, Ватан қадрини, инсон ҳурматини саҳнадаги воқеалар ёрдамида янада чуқурроқ ҳис қила оладиган бўлдик. Улар дард чекса, дард чекадиган, севинса, севинадиган бўлдик.

Ҳаётимизга аста-секин бошқа театрлар ҳам кира бошлади. Лекин биз болалигимизнинг асл ҳамроҳи бўлган ТЮЗни сира тарк этмадик. Чунки у, унинг санъаткорлари дўстимиз, сирдошимизга айланишганди. Гўзаллик ва нафосатни, фидойилик ва мардликни улардан ўрганардик. Тегирмон навбати билан деганларидек, ТЮЗга бориш навбати фарзандларимизга, кейинчалик набираларимизга етиб келди. Бирдек, ўша илк бор онам қўлимиздан етаклаб олиб борганларидаги каби интизорлик билан яна театрга, ўша Эскижўва майдонидаги қадимий бинога борардик. Кўзларимизда ҳамон аввалгидек ҳаяжон, аввалгидек интиқлик...

Ҳамма даврларда ҳам бизнинг икки улкан санъткоримиз Муҳаббат Йўлдошева ва Обид Толиповлар саҳнада яшашарди, жафо чекишарди, яйрашарди.

Биз улғайганимиз сари уларнинг қаҳрамонлари ҳам ёш жиҳатидан улғайиб боришарди. Саҳна орқали республика болалари билан одоб дарсини ўтишарди... Спектакль тугагач, бу икки жафокаш гулдасталар билан уйга қайтишарди.

Қарангки, болалигимиздан бизни маънавий бойитган, неча-неча авлодлар тарбиясига ҳисса қўшган, отаонамиздек азиз бўлиб қолган санъаткорларимиз бугун тўй қилишяпти — саҳна тўйи, қўша-қариганлар тўйи, ували-жувалилар тўйи... Эллик беш йил бирга умр кечириб, нафақат ўз фарзандларига, балки озод Ўзбекистоннинг бутун кичкинтойларига бува-буви бўлиб юрган табаррук инсонларнинг қутлов тўйлари...

Обид ака 60 йил, Муҳаббат опа 55 йилдан бери Охунбобоев номли Республика Ёш томошабинлар театрида хизмат қилишяпти. 70 ва 75 ёшларини нишонлаётган санъат дарғалари Муҳаббат опамиз ва Обид акамиз илойим ўзлари яратган қаҳрамонларидек бақувват, марду майдон бўлишсин., Шогирдлари бахтига, ёш томошабинлар бахтига доим омон бўлишсин. Соғ бўлишсин!

...Қаранг, ҳали бақувват, оёқларидан ҳамон ўт қақнаган икки инсон, икки қадрдон дўст, икки маслакдош, икки қудратли санъаткор келяпти. Иккиси ҳам халқ артисти, иккиси ҳам болалар дўсти! Туф-туф-ей, уларга кўз тегмасин! Ўзбекистоннинг митти болакайлари катта-катта йигит-қизлар бўлишганида ҳам Обид ака Толипов билан Муҳаббат опа Йўлдошевалар саҳнада чопиб-чопиб роль ўйнайверсинлар. Уларга омонлик тилаб, йўлларига гуллар сочиб қолувчи:

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

• СПОРТ

СОВРИНДОР АНИҚЛАНДИ

«Овози точик» газетасининг 70 йиллигига бағишлаб журналистлардан иборат жамоалар ўртасида ўтказилган мини-футбол мусобақаси якунланди.

12 жамоа икки гуруҳга бўлиниб, саралаш учрашувларида мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Қарийб икки ҳафталик баҳслардан кейин ҳал қилувчи учрашув иштирокчилари малъум бўлди. Финалда «Молодёж Узбекистана» ва «Халқ сўзи» рўзномаларининг журналистлари майдонга тушдилар. Дарвозага еттита жавобсиз тўп киритган ёшлар газетаси жамоаси ғалаба қозониб, бош совринни қўлга киритди.

ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАБ

● Бугун биринчи лига жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлади.

Бугунгача бўлган учрашувларда эса жамоалар мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Зеро, ягона пешқадам бўлиб турган Муборакнинг «Машъал» футболчилари сафарда «Локомотив» жамоасига имкониятни бой бериб қўйди. Бу машъалчиларнинг бешинчи мағлубияти бўлса, темирйўлчиларнинг ўнинчи ғалабасидир. «Машъал» 37 очко билан олдинда бормоқда. Айни пайтда Самарқанд динамочилари ҳам олий лигага чиқиш орзусида ҳаракат қилмоқдалар. Улар навбатдаги учрашувни ўз майдонларида «Олтинкўл» жамоаси билан ўтказиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозондилар ва очколарини 37 тага етказиб олишди.

• Шифокор огоҳлантиради

УМРИНГИЗГА ЗАВОЛ БЎЛМАНГ

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, шу йилнинг бошигача дунё бўйича 851 минг 623 нафар «Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми» — ОИТС хасталиги билан касалланган беморлар аниқланган. Булардан энг кўпи Америкада, шунингдек Африка, Европа, Осиё қитъаларида қайд қилинган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги мамлакатларда 1611 киши ОИТС вируси билан оғриганлиги маълум. Ўзбекистонда эса олти киши хасталанган ва икки бемор оламдан ўтган.

Мамлакатимизда ОИТС касаллигининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича ҳамда бу касалликка чалинган шахсларни қаттиқ назорат қилиш ҳақида махсус қонун ҳам қабул қилинган. Бундан ташқари, хасталикнинг олдини олиш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган дастур тузилди ва тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир вилояти ва Тошкент шаҳрида мазкур дарднинг олдини олиш, унга қарши курашиш марказлари, шунингдек, тўқсонта лаборатория аҳоли учун хизмат кўрсатмоқда. Бу марказ ва лабораторияларда республика ОИТС маркази методик раҳбарлик ишларини амалга оширмоқда. Хоҳлаган киши бу марказларга келиб, мутахассис-шифокорлардан тегишли маслаҳатларни олиши мумкин. Бундан ташқари, ОИТС марказлари, вилоятлар, шаҳар ва туман шифохоналари қошида ишонч хоналари ҳам (сир сақланиши кафолатланган) ташкил этилган. Бундай хоналарда ўзини шу касаллик бўйича текширтирмоқчи бўлганларнинг исм-шарифлари ёзиб олинмайди, шунингдек уй манзиллари ва иш жойлари суриштирилмайди.

Ҳозирги пайтда касалликнинг кўпроқ қисми бесоқоллар, фоҳиша аёллар, тасодифий ва бетартиб жинсий алоқага мойил одамлар, ўз жазманларини тез-тез алмаштириб турадиган кимсалар ва зарарсизлантирилмаган ниналарда ўзига гиёҳванд моддаларни юборувчи нашавандлар ҳамда спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қиладиган шахслар орасида учрамоқда. ОИТС касаллигининг олдини олиш мақсадида мактаб ва билим юртлари ўқувчилари ҳамда техникум, институт талабалари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш муҳим масалалардан бири. Бундай савобли ишда ота-она, маҳалла аҳллари, педагоглар ва тиббиёт ходимлари биргаликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Тошкент вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли вилоят ОИТС касаллигининг олдини олиш ва унга қарши кураш маркази ходимлари олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқ. Улар Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят ҳунар-техника билим юртлари, вилоят саломатлик маркази ва ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда билим юртлари ва ўрта мактаб ўқувчилари орасида шу хасталикнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини кенг миқёсда олиб бормоқдалар. Ҳозиргача бундай учрашувлар Чирчиқ шаҳрининг енгил саноат лицейида, Қибрай туманининг 36- ва 37-, Оққўрғон, Паркент, Янгийўл туманларининг бир қатор ҳунар-техника билим юртларида ўтказилди.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

«АМУДАРЁ ҲАҚИҚАТИ» 60 ЁШДА

ТАШВИШУ ҚУВОНЧЛАРИГА ШЕРИК

Кичкинагина туман газетаси... Ростдан ҳам кичкинами? Йўқ! Агар шу тўрт варақ ажойибманинг битта туман миқёсида, минглаб газетхонлар орасида бажараётган вазифасини, маънавий соғломлик, аҳиллик, яратувчилик йўлидаги курашини, амалга ошираётган масъулиятли хизматини эсласак газетанинг моҳият-эътибори аён бўлади.

Туманда газета юбилейини ўтказишга тайёргарлик ишлари кенг олиб борилди. Корхона ва муассасаларда бу санага бағишлаб шанбалик ва ҳашарлар ўтказилди. Бундай тадбирларда, айниқса, ХДП туман кенгаши фаолларининг хизматлари катта бўлди.

Ҳа, бир туманнинг оғирсенгил ташвишига ўз елкасини тутиб келаётган муҳим мафкура ва ахборот қуроли — «Амударё ҳақиқати» 60 ёшга тўлди.

Шу ўринда «Амударё ҳақиқати» тарихидаги бир воқеани айтиб ўтмак жоиз. Газета 1948 йилда зўр деб мақталаётган колхоз раисининг кирдикорларини танқид қилувчи мақола босгач, туман фирқа қўмитаси раҳбарлари зўравон раис ва мелиса иштирокида мақола муаллифини ҳам, уни ҳимоя қилаётган газета жамоасини ҳам қаттиқ таъқибга оладилар.

Шундай пайтда марказдаги отахон газетамиз «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози».) туман газетасини ҳимоя қилиб чиқади. Натижада матбуотни менсимаган туман раҳбарларининг ўзлари қаттиқ маъмурий жазо оладилар, ҳақиқат ғалаба қозонади.

Айни кунда газета тумандаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни кенг ёритиб, муштарийлар севимли нашрларидан бирига айланмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Дилбар Жўраева суюкли қизидан айрилди... Узоқ давом этган тергов чоғида бунга сабабчи бўлган Аваз Ғофуровнинг бошқа жиноятлар ҳам содир қилгани фош этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 80-моддаси 6-банди ва бошқа бир неча моддалар билан айбланган Ғофуров Аваз Орифовичнинг жиноий иши Тошкент вилоят суди жиноий ишлар судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди.

МАИШАТБОЗЛИК ҚУРБОНИ

Судлов мажлиси давом эттирилаётган хонада—олдинги қатор ўртасида умри бевақт хазон этилган Муяссархоннинг онаси Дилбар ая эзилиб-тўкилиб ўтирибди. Бундан ўн етти йил муқаддам Муяссархон билан Аазнинг никоҳ тўйлари бўлганди. Ушанда Дилбархон ая куёвини ўғлим, дея бағрига босиб, дуо қилганди. Эй, номард кимса, шуми сенинг ўғиллик қилганинг?!

Оила қурган дастлабки давридан бошлабоқ Аваз хотинига кун бермади. Турли-туман баҳоналар ўйлаб топиб, хўрлаш, камситиш ва калтаклашни авж олдирди. Бундан қўни-қўшни, маҳалла-кўй хабардор эди. Ҳатто, зўравонни милиция ходимлари ҳам бир неча бор тартибга чақиришганди. Барибир ўз айтганидан қолмади. Чунки Аваз Ғофуров суюкли ўйнаш топиб олганди... Тўғрироғи, унинг оилавий ҳаётига ҳаром оралаганди.

«Давлат қуши қўнса чивин бошига, семурғ келур кунда анинг қошига» деган ҳикмат бор. Аваз Ғофуров «Янгийўл» консерва заводида авал цех бошлиғи бўлиб ишлади, кейин директорлик курсисида узоқ ўтирди. Ана ўша «дориломон» кунларда денг кимлар унинг елпиғичи бўлмади?! Ҳар куни тонг отар зиёфат, ҳар куни ичкиликбозлик. «Бизнинг кулбаи вайронамизга марҳамат қилинг, акажон. Ғарибни қачон хурсанд қиласиз?!» Ана шундай мунофиқона гаплар, ана шунақа мудхиш ҳаёт! Аваз Ғофуров 1993 йил январь ойининг 16 кунидан 17 кунига ўтар кечаси галдаги меҳмондорчиликдан маст-аласт ҳолатда қайтиб келиб, хотинининг жонига қасд қилди. Бечора Муяссар ҳарчанд уринмасин кўзи қонга тўлган йиртқичнинг чангалидан қутула олмади.

Кўп ўтмай Аваз Ғофуровни ҳибсга олишди.

...Судлов мажлиси бир неча кун давом этди. Ғофуров ўз жиноятини ҳаспўшлашга ҳар қанча уринмасин, мақсадига эриша олмади.

Унинг қилмишлари далиллар, тегишли ҳужжатлар ва гувоҳларнинг шоҳидлиги билан тўла исботланди.

Ҳукм ўқиб эшиттирилди. Устма-уст бир неча жиноятлар содир этган ва хотини Муяссар Ғофуровани вахшиёна азоблаб ўлдирган Аваз Ғофуровга нисбатан ўлим жазоси белгиланди...

Толибжон РИХСИЕВ,
Тошкент вилоят суди судьяси.

Усмон ЮСУПОВ,
«Ҳаёт ва қонун» журнали бўлим муҳаррири.



ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ. Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат-лавҳа.

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

БУЙИНИНГ МЕЪЁРДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

● АСЛИДА бу дунёни бир кам дунё дейдилар. Бироқ қуйида келтирилаётган воқеаларни ўқисангиз... «бири ортиқча»лигини ҳам сезасиз. Шу кунгача бўйдорликда Роберт Першинг Уодлоудан ўтадигани топилганича йўқ. У 1918 йили АҚШнинг Иллинойс штатида таваллуд топган. Туғилган пайтида катталиги билан бошқа чақалоқлардан ажралиб турган бўлса-да, оғирлиги меъёрда, яъни 3,85 килолик тош босарди. Бироқ икки ёшга борганда икки марта чурра сабаб операциядан чиққач, бўй ўсиши жуда тезлашиб кетди. Шифокорлар ҳатто унинг ҳар бир ёшидаги бўй ўлчамини қайд этиб боришган. Масалан, беш ёшида бўйи 1 63 см. ни, 8 ёшида — 183, 9 ёшида 189, 10 ёшида 196, қўйингки, 22 ёшида, яъни 1940 йилда унинг бўйи 272 см. ни ташкил этган. Ушанда Роберт қулочининг оралиғи 288 см. масофани ўз ичига оларди. Афсуски, ўша йили касаллик сабаб бевақт оламдан кўз юмган. Унинг тобути ҳам улкан — бўйи 328, эни 81, чуқурлиги эса 76 см. бўлган.

21 ёшида унинг оғирлиги энг юқори нуқтага етган — 222,7 килолик тош босган. У узунлиги 47 см. ли пойабзал кийган.

Бўйдорликда Робертдан кейинги ўрин АҚШнинг Тенниси штатидаги Голлатин шаҳрида яшаган (1871—1905 й.) Жон Уильям Роганга насиб этган. Унинг бўйи 264 см. 263,5 см. бўй билан учинчиликни қўлга киритган Жон Карролл Нью-Йорк штатининг Буффало шаҳрида 1932 йилдан 1969 йилгача истиқомат қилган. Сўнг покистонлик Муҳаммад Чоппа ўрин олган. Унинг бўйи 257 см. дир. Хельсинки шаҳрилик Вэльн Мюллеринге (1909—1963 й.) ҳам новчалар рўйхатига тиркалган. У 251,4 см. гача ўсган.

Бўйдорлик АҚШликларга хосми, ҳар қалай, ҳозир тўхталадиганимиз ҳам АҚШнинг Монтана штатидан. У Дон Клер бўлиб, 1925 йилдан 1981 йилгача яшаган, Бўйи 248,9 см. бўлган. Бернард Коен ҳам АҚШнинг Айова штатидан. Унинг бўйи ҳам Дон Клер билан тенг бўлиб, 1887 йилдан 1921 йилгача умр кўрган. Патрик Коттер (1760—1806 й.) ирландиялик — бўйи 246 см. Константин (1872—1902 й.) Ғарбий Германиялик. Бўйи 245,8 см. Габриэл Эстабао Монжане (1944—1990 й.) мозамбиклик. Бўйи 245,7 см. Сулаймон Али Нашнуш (1943—1968 й.) ливиялик. Бўйи 245 см. ни ташкил этган. Агар уларнинг яшаган йилларига эътибор берган бўлсангиз, шуни кузатасизки, улар узоқ яшашмаган. Бунга сабаб улардаги акромегалия касаллигидир. Бу шундай касалликки, бўй ўстирувчи гормонлар ишлаб чиқарувчи гипофизнинг фаоллашуви натижасида ё бурун, ёки лаб, ё тил, ёинки қўл-оёқнинг тезлик билан ўсиб кетишидир. Хулласи калом бўй ҳам меъёрда бўлгани яхши экан.

"ПSP -510" ," SR -16" оркестраторлари сотилади
"Tesla" аппаратурасини сотиб оламиз
тел: 65-75-33, 64-87-84.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетининг доценти Қаландар Бобобековга онаси **Улман ая САИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топшириллди — 21.50
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, У. ФАЙЗИЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.